МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 32-33 (4587-88) 2020-yil 1-sentabr

МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Айни пайтда ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган мўътабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртдошларимизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимгидек катта тантана ва сайиллар билан нишонлай олмаяпмиз.

Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихчам шаклда, онлайн режимида ўтказмоқдамиз. Лекин, ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу қутлуғ санага атаб катта-катта концертлар, бадиий дастурлар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуғ ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Ҳурматли дўстлар!

Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. **"Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!"** деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуғ аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёркин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда **"Янги Ўзбекистон"** ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган даъватқор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда.

Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: **дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви қучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.**

Азиз юртдошлар!

Сизларга маълумки, шу йил бошида 2020 йил учун улкан режа ва мақсадларни белгилаб олган эдик. Бироқ жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий ва техноген офатлар барчамизнинг иродамизни жиддий синовдан ўтказди. Тош келса кемириб, сув келса симириб тобланган халқимиз бу оғир кунлардан ҳам ўзининг сабр-матонати, меҳр-оқибати ва меҳнаткашлиги билан янада кучли бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги мураккаб вазиятда биз учун ғоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш – энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни, биз аҳолимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтнинг ўзида ҳал этмоқдамиз.

Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Буни "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати яна бир бор яққол намоён этди. Бу эзгу ташаббус ишбилармон ва тадбиркорларни, фидойи ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Даврон элининг жисмида жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил, –

деган сўзлари бугун янада теран маъно билан янграмоқда.

Чиндан ҳам, ҳозирги давр ҳар биримизни саховат ва ҳиммат кўрсатиб, хайрли ишларимиз билан эл-юрт дардига дармон бўлишга ундамоқда.

Айни вақтда коронавирус мамлакатимиз тиббиёт тизими учун ҳам жиддий синов, ҳам улкан тажриба мактаби бўлди.

Бу балога қарши курашиш бўйича сўнгги олти ой давомида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширдик. Жумладан, кўплаб янги шифохоналар ва карантин зоналари ишга туширилди. Катта миқдорда қўшимча тиббиёт ускуналари ва тез ёрдам машиналари харид қилинди. Энг илғор хорижий амалиёт ва ўзимизда тўпланган тажриба асосида даволаш усуллари такомиллаштириб борилмоқда. Коронавирусга қарши курашда туну кун метин ирода билан фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш доимий эътиборимизда турибди. Бундай чора-тадбирларимиз натижасида минглаб беморлар шифо топиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

Чет давлатларга меҳнат қилиш ва ўқишга кетиб, пандемия туфайли қийналиб қолган юртдошларимизни ўз уйларига қайтариш, тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширган катта ишларимиз давом эттирилмоқда.

Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.

Барчангизга яхши маълум, дунёда икки соҳа вакиллари ўз касбига садоқат борасида қасамёд қабул қилади: булар – Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар ва инсон саломатлигига масъул шифокорлар. Бунинг бежиз эмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Муқаддас қасамёдига содиқ бўлган шифокорларимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, керак бўлса, азиз жонларини фидо қилиб, қаҳрамонларча меҳнат қилмоқдалар.

2

Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн қузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади.

Мустақиллик байрами – бу қутлуғ кун шукуҳи неча йил ўтса ҳамки қадрини йўқотмайди. Тириклик қадар мангу давом этади. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг кўп йиллик орзуси ушалганига – Ватанимиз озодликни қўлга киритганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақил ўтган йиллар қаҳрисоби беҳисоб ва мазмунли. Биргина кейинги, хусусан, синовли 2020 йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўлами ҳам ғоят кенгдир.

Иқтисодиёт тармоқлари – хусусий тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ каби йўналишларда янги механизмлар жорий этилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес, ҳунармандчилик, томорқачилик, ҳуллас, бир оила яхши яшаши, ўзини тиклаб олиши зарур бўлган барча йўналишларда катта имкониятлар берилди. Солиқ юки енгиллаштирилди.

Бу йил халқимиз учун синовли келди. Табиий ва техноген офатлар, пандемия шароитида халқимиз жипслигини кўрсатди. Бу бало-қазоларни оқилона, аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлар туфайли енгиб ўтмоқдамиз.

– Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда. Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёркин саҳифа бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани, янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини қайд этди.

Бу борада, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, илм-фан равнақи йўлида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, ўқитувчилар обрўси йил сайин юксалиб, таълим сифати яхшиланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев қўшма дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга миннатдорлик билдирди. Халқимизни Мустақиллик байрами билан қутлаётган ҳамкор давлатлар халқларига тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилади.

– Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Карантин чекловларига қарамай, Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилди. Корхоналар белгиланган режаларни бажармоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилгани фикримиз далилидир. Бу йил республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилиши қайд этилди.

– Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман. Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистонда Мустақиллик байрами тадбирлари давом этмоқда.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎзА мухбири

ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШГАНЛАР ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ

Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш максадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Қурбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш максадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи бунёд этилди. Бу масканлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Мажмуадаги рамзий қабр ёнида қатағон қурбонлари руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди.

– Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақига Қуръон ўқишимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охирги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириш, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Буларнинг ҳаммаси – одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, мустабид тузум даврида минглаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри хазон бўлган. 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган. Уларнинг 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, болалар етим қолган. Биргина 1937-38 йиллардаги катта қатағон даврида 7 мингга якин ватандошимиз отилган.

– Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатағон қилинмаганида Ватанимиз ривожи учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билиб туриб қилинган. Бугун буни армон билан эслаймиз, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари қатағонга учраган ана шу 100 минг одамнинг ҳар бири бўйича изланиш, жойларга чиқиб, қариндошлари билан учрашиб, номларини тиклаш, қилган ишлари ҳақида китоблар чоп этиш, ўзлари яшаган маҳаллалар ва мактабларга номларини қўйиб, хотирасини абадийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда Исҳоқхон Ибрат, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари маърифатпарварлар хотирасига бағишлаб музейлар, муаззам ҳайкаллар яратилди. Ижод мактаблари бунёд этилди. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда Қатағон қурбонлари музейининг бўлимлари очилди. Қатағон қурбонларига бағишланган янги-янги китоблар, фильмлар, тадқиқотлар яратилмоқда.

Коронавирус пандемияси юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Афсуски, бу касаллик уч юздан зиёд юртдошимизнинг ҳаётига зомин бўлди.

Маросимда ушбу инсонлар хотирасига бағишлаб ҳам Қуръон тиловат қилинди. Беморларнинг тезроқ соғайишини Аллоҳдан сўраб, дуо ўқилди.

– Ўз яқинларидан жудо бўлган барча оилаларга чуқур ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилайман. Даволанаётган беморларимизнинг дардига шифо беришини Худодан сўраймиз. Олти ойдан бери шу бало билан курашяпмиз. Бу касаллик юртимиздан тезроқ кетишини сўраб дуо қиламиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами муносабати билан йиғилганларни табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

ЎзА

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ: НУРАФШОН ҚАСРЛАР МЎЪЖИЗАСИ

3

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Халқимиз, давлатимиз сизларнинг матонат ва жасоратингизни ҳеч қачон унутмайди.

Биз нечоғлик ҳаракат қилмайлик, афсуски, бу хавфли касаллик бир қанча ватандошларимизнинг умрига зомин бўлди. Бу оғир йўқотишлар юракларимизни ларзага солди. Негаки, бу инсонларнинг ҳар бири бизнинг жигарларимиз эди.

Шу ўринда яқинларидан жудо бўлган юртдошларимизга чуқур ҳамдардлик билдириб, уларга Яратгандан сабр-тоқат ва бардош тилайман.

Қадрли ватандошлар!

Халқимизда **"Оққан дарё – оқаверади"** деган ҳикматли гап бор. Буни бугунги мураккаб вазиятда амалга ошираётган улкан ишларимиз исботлаб турибди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидламоқда ва кейинги йилларда сезиларли ўсиш кутилаётганини прогноз қилмоқда. Бу албатта ўз вақтида кўрган тезкор чораларимизнинг самарасидир.

Карантин чекловларига қарамасдан, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Аҳолимизнинг асосий қисми ўзининг даромад манбалари ва турмуш даражасини сақлаб қолишига эришдик. Карантин талаблари жорий этилиши натижасида 72 минг 500 та саноат корхонасидан 16 минг 700 таси ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Бу борада қилган тизимли ишларимиз ҳисобидан 16 минг 600 та корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланди.

Мамлакатимиз корхоналари маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича белгиланган режалар ҳам бажарилмоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришганимиз ҳам буни тасдиклаб турибди.

Шу ўринда бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу йил республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилади.

Ана шундай йирик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводини алоҳида қайд этиш зарур. Германия ва Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилган ушбу корхона экологик жиҳатдан энг тоза ва хавфсиз бўлиб, йилига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқаради.

"Навоийазот" корхонасида йилига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланишга топширилди. Йил охирига қадар бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам фаолият бошлайди. Янгитдан барпо этилаётган "Ўзбекистон ЖТЛ" заводида "Шўртангазкимё" комплексининг метан газ асосида йилига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи олиш йўлга қўйилмоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металлар тайёрлашни уч баробар кўпайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий соҳадаги ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар туфайли халқаро валюта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Иқтисодиётимизда баркарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиги алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Биз кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи марта шундай улкан молиявий ресурсларни йўналтирмоқдамиз.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, ғалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирдилар. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимизга, ернинг ҳақиқий эгасига айланаётган кластер хўжаликлари ходимларига, барча дала меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Пандемия даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўз фаолиятини давом эттириши учун бизнес субъектларига турли имтиёз ва енгилликлар берилгани сизларга яхши маълум.

Бу йил "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Ишончим комил, ана шундай тизимли ишларимиз оркали йил якунига қадар ишлаб чиқариш қувватларининг узлуксиз фаолиятини ва иқтисодиётимиз барқарорлигини албатта таъминлаймиз.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар-жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳанинг ўзида 2 минг 400 га яқин объектда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пойтахтимиздаги куни кеча фойдаланишга топширилган янги ер ости ва ер усти метро линиялари, Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони сингари муҳташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтараётган замонавий бино ва иншоотлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёркин далолатдир.

Қадрли байрам иштирокчилари!

Маълумки, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборатдир.

Биз ана шу эзгу ишни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтиришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Жумладан, ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Йил якунига қадар уларнинг сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан ўн икки ярим триллион сўм маблағ ажратилди.

Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилди. Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ва ногиронлиги бўлган болаларни қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Бугунги қутлуғ айёмда Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг камоли йўлида қилаётган ишларимизни эса олишимиз табиийдир.

Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ушбу кўрсаткичлар, аввало, фарзандларимиз ва уларнинг ота-оналари қалбидаги эртанги кунимизга, келажакка бўлган катта орзу-умид ва ишончдан дарак беради.

Ана шу ўғил-қизларимиз яқинда кириш имтиҳонларини топширади. Келинглар, бўлғуси синовларда ҳамма фарзандларимизга омад ва зафарлар тилайлик!

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, "Замонавий мактаб" дастурини жорий этиш борасидаги ишларимиз ҳам узлуксиз давом эттирилмоқда.

Юртимизда Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идораларо кенгаш ташкил этилди. Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Ҳудудларда "Лойиҳалар фабрикаси" иш бошлади.

"Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига карийб 1,7 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Хабарингиз бор, кам таъминланган оилаларда камол топаётган қизларимизнинг билим олиш имкониятини кенгайтириш учун бу йил янги тизим жорий этдик. Унга мувофиқ, ушбу ўқув йилида олий таълим даргоҳларининг кундузги бўлимларига бундай қизларимиз учун давлат гранти асосида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

Азиз ватандошлар!

Ҳозирги пайтда дунё микёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, математика, физика, кимё, биология, астрономия, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа соҳаларда жиддий амалий натижаларга эришилмоқда. Математика, кимё, биология фанларини ривожлантириш ва уларни ўқитиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда.

Ўйлайманки, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотни таъсис этганимиз математика соҳасида ёш иқтидор эгаларини рағбатлантиришда яна бир муҳим омил бўлади.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади.

Шу мақсадда биз "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта "Тарбия" фанини жорий этмоқдамиз.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз микёсида кенг нишонлаймиз.

Кейинги пайтда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида маданиятимиз ва санъатимиз ривожи янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳалар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ушбу бетакрор мажмуа халқимизнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини намоён этади. Яқинда Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш борасида бошлаган саъй-ҳаракатларимиз ҳам мана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши сессиясида Суд-ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон эришаётган амалий натижаларнинг эътироф этилгани бу борадаги фаолиятимизга берилган холис баҳодир.

Юртимизда биринчи марта "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси" қабул қилинди.

Шу йил август ойида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб Самарқанд веб-форуми ўтказилди. У нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ёшлари ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан ҳам тарихий қадамлар ташланди.

Сўнгги пайтда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг қўлланаётгани халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида Мустақиллик байрами арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга кўра, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтарилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарти бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадамлар қўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак мақомни узоқ вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Тараққиёт кушандаси бўлмиш иллат – коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг кўламда кураш олиб борилмоқда. Шу борада янги тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этганимиз бу масаланинг долзарблиги ва доимий эътиборимизда бўлишидан далолат беради.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишларимиз ортга қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Барчангиз хабардорсиз, ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан, биз зиммамизга олган барча халқаро мажбуриятлар ва келишувларни тўлиқ бажариб келмоқдамиз. Хорижий шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, коронавирусга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Япония ва бошқа ҳамкор давлатларга халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга қўшма дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорлик билдираман.

Айни вақтда бизни Мустақиллик байрами билан қутлаётган барча узоқ-яқин давлатларнинг халқларига, чет эллик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Мухтарам юртдошлар!

Бугунги оғир вазият ҳар биримиздан ўз фаолиятимиз ва масъулиятимизни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Халқимизда "Кўз – кўрқоқ, қўл – ботир", деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ниият билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, кўзлаган марраларимизга эришамиз.

Муқаддас китобларда айтилганидек, ҳар қандай қийинчилик ортидан албатта бир енгиллик келади. Барчамиз бунга ишонамиз ва қодир Оллоҳдан шуни сўраймиз.

Ҳали кўп Наврўз ва Ҳайит айёмларини, тарихий саналар ва умумхалқ байрамларини ҳаммамиз биргаликда шоду хуррамлик билан ўтказамиз, иншооллоҳ.

Мана, келгуси йили давлатимиз мустақиллигига ўттиз йил тўлади. Мамлакатимиз тарихидаги ушбу унутилмас шонли санани ҳар томонлама муносиб нишонлашни ният қилганмиз. Илоҳим, шу кунларга соғ-омон, ёруғ юз билан етиш ҳаммамизга насиб этсин.

Маълумки, бугунги байрам арафасида турли соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг катта бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Уларнинг барчасини қизғин табриклаб, ижтимоий фаолиятлари ва шахсий ҳаётларида янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўз инсоний бурчи ва фуқаролик масъулиятини чуқур англаб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларга, қурувчи ва тадбиркорларга, фермер ва деҳқонларга, навқирон ёшларимизга яна бир бор самимий раҳмат айтаман.

Эл-юрт манфаати йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳурматли депутатлар ва сенаторларимизга, ҳокимият идоралари ходимлари ва маҳалла фаолларига, ҳарбий либос кийган ўғлонларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларга, муҳтарам нуронийларимизга, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман.

Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин!

Фарзандлар, набиралар камолини кўриб юриш ҳаммамизга насиб этсин!

Гўзал ва бетакрор юртимиз ҳамиша тинч ва фаровон бўлсин!

Меҳнаткаш ва олижаноб, бағрикенг халқимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЭЪТИРОФ

Мария ФИЛИППОВА,
болгариялик ёзувчи

Сўнгги пайтларда мени Ўзбекистондаги ҳаёт қизиқтиряпти. Нима учун? Мен шу саволга жавоб излаяпман. Бундан кўп йиллар илгари, ёшлик пайтларим ўзбекларнинг турмуш тарзи, рақслари, урф-одатлари, китоблари, либослари, қўшиқлари, томошабоп фильмлари, хуллас, ҳамма-ҳаммасини билгим келарди…

Мен учун ҳаммаси қизиқарли эди. Ҳа, мен бу заминни севаман, дердим ўзимга ўзим. Аммо ҳеч қачон: "Нима учун?" деган саволни ўзимга бермагандим.

ҚЎЛИМ КЎКСИМДА

Айнан шу савол "Тўртинчи устун" номли романимни ёзишга туртки берди. 2018 йилда ўзбекистонлик ёзувчи ва таржимон Аъзам Обидов таклифига кўра "Ўзбекистон адабиёти ва санъати кўприги" ("Uzbekistans Literature and Art Bridge") дастури доирасида Ўзбекистонга келганимда кўнглим худди ўз уйимга келгандай ажиб бир яқинликни туйди. Яшаб ўтган умримга назар ташлаб тушундимки, Ўзбекистон ҳаётим давомида ҳамиша мен билан бирга бўлган, мен эса ҳануз "Нима учун?" деган саволни ўйлаб кўрмабман. Шубҳасиз, булар Яратганнинг ишораси эди. Бу йўлни китобда тасвирлашга қарор қилдим, бу менинг ушбу заминга меҳр туйғуларимни тадқиқ этишга ёрдам берди. Романни ёзиш давомида "Нима учун?" деган саволга жавоб изладим. Жавобни тополмадим, ҳолбуки, кўп уриндим. Биз кимнидир ёки ниманидир севсак, "Нима учун?" деган саволга жавоб топа оламизми? Агар тополсак, бу муҳаббат эмас, шунчаки қизиқиш бўлади. Ҳақиқий муҳаббат жавоб талаб қилмайди. Севасан – шунчаки севасан – ҳеч нарсага қарамай. Тамом.

Ниҳоят, биринчи сентябрь – Ўзбекистон мустақиллиги куни арафасида мен бу ҳаяжон яна қаердан, нима учун пайдо бўлди, деб ўйлаб қолдим. Ахир, менинг ўз Ватаним, юртим бор, мен ҳар бир ақли расо инсон сингари ўз Ватанимни севаман, ўз мамлакатим билан фахрланаман. Аммо Шарқдан елган шабададек нозик бу сезги қайдан келди? Кўнгил титрайди, ўйланади, изланади…

Ишонаманки, Ўзбекистон ҳамиша ўзига муносиб тарзда яшаган ва яшамоқда, ўз фуқароларига куч ва илҳом бағишлаш, ўз-ўзини англаш туйғуларини бериш, ўзларининг ким эканини яна бир бор эслатиш ва ўз мустақиллигини нишонлаш учун аниқ бир кунни танлаган. Бу диёрнинг ўз тили, ёзуви, адабиёти, санъати, қадим тарихи бор, улар ҳамиша мавжуд эди, бу эса ўзбекларнинг жаҳон саҳнасида тўлақонли мустақил халқ эканлиги далилидир. Образли қилиб айтадиган бўлсам, мен ғурур билан Ўзбекистонни ўзим учун кашф қилганман, дея оламан. Қишлоғимизда, мактаб кутубхонасида «Ўзбек халқ эртаклари» деган китобчани топганимда тўққиз ёшда эдим, турган гап, "ўзбек" деган сўз нимани англатишини билмасдим. Онам дунёда шундай миллат бор, деб тушунтирди. Кейинчалик мактаб дарсларида Ўзбекистон Совет Иттифоқининг бир қисми деб изоҳлашди. Йиллар ўтиб, олий таълим олиш учун Тошкентга келганимда болалигимда ўқиган эртакларнинг жонли тимсолини кўрдим. Бу ерда ўзбек тилида гапиришади, шу тилда китоблар ёзишади, бу ерда кўп миллатлар иноқ яшайди, рус тилини мендан ҳам яхшироқ билишади. Мен хорижлик сифатида (ҳолбуки, мен Ўзбекистонда ўзимни чет элликдай ҳис қилган эмасман) шунга эътибор бердимки, бу қадим тупроқ ўз қиёфасига, қалбига, бойликларига, ўз сирларига эга, одамлари шунчалик кўп меҳр берадики, бу мен учун кўпга етади. Назаримда, бу ҳам мустақилликнинг бир қирраси. Агар одам истаганига ўзи эришса, ҳеч кимга муте бўлмаса, демак, у тўла мустақил. Бу сўз Ўзбекистонга ҳар жиҳатдан мос. Буни мен Тошкентга қадам қўйган кунимоқ сезганман. Унинг қуёши, тоза осмони, меҳрибон одамлари бор, уларнинг эшиклари очиқ, дастурхон ёзиб, сени меҳмон қилмагунларича, қўлларини кўксиларига, юракларига босиб, самимий сўзларини айтмагунларича қўйиб юбормайдилар. Буни мен кўрдим, ҳис қилдим. Буларнинг барини романимда тасвирладим.

Орадан кўп йиллар ўтиб, 2018 йили келганда кўрдимки, Ўзбекистон жуда ўзгариб кетибди. Унинг қиёфаси хийла европалашибди. Мен эса Ўзбекистонимнинг осиёча қиёфасини соғинаман. Ҳар ҳолда у ўзининг мустақил эканлигини исботлади, таниб бўлмас даражада ўсди.

Мустақиллик – бу ички жараён. У ўзбекларда доимо бор эди. Уларнинг маънавияти, руҳияти энг юқори даражада намоён бўлади. Биламизки, руҳият, руҳ Яратганнинг бирламчи аломатидир. Иккинчи аломат муҳаббат ва меҳрдир. Ўзбеклар бу икки илоҳий аломатга эгадирлар, ўзбек халқининг қудрати ва муваффақиятининг сири шунда, менингча.

Ўтган йили, 2019 йил августида яна ўша UzLAB (Uzbekistans Literature and Art Bridge) дастури доирасида Болгарияга ўзбек рассомлари Аҳмад Умаров, Гулнора Раҳмон, Камола Абдуллаева, Ойзода Жуманиёз келишиб, Пловдив шаҳрида ўтказилган бадиий кўргазмада иштирок этишди. Бир ҳафта давомида Болгарияда нималар бўлганини бутун жаҳонга ҳикоя қилгинг келади. Зал ўзбек ижодкорларини, улар яратган асарларни кўриш, улар билан бирга суратга тушиш истагидаги кишилар билан тўлди. Улар миллий либосларда бизга ўзбек рақсларини, чой маросимини кўрсатиб беришди, Ўзбекистонга бориб келган болгарлар, шулар қаторида мен ҳам ўзбекча дўппи, атлас кўйлакда эдим… Деворларда Ўзбекистон манзаралари… Бу шунчаки байрам эмас, ўзбек эртагининг Болгариядаги жонли саҳнаси эди. Биз бир ҳафта давомида меҳмонларимизни мамлакатимизнинг турли шаҳарларига олиб бориб, худди Ўзбекистонда бизга меъморий обидаларини кўрсатганларидек, биз ҳам турли маданий ёдгорликларимиз билан таништирдик. Келгуси учрашувимиз шу йил апрель ойида бўлиши керак эди, лекин пандемия халал берди.

…Талабалик пайтим атоқли ўзбек шоираси Зулфия билан учрашганман. У менинг Болгариядан эканлигимни эшитиб: "Менинг шундай орзум бор, қачонлардир ўзбек адабиётини Европада кўрсам", деган эди.

Мен унинг сўзларини эслаб қолганман. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, Зулфиянинг орзусини рўёбга чиқаришга интилдим, ўзбек ёзувчилари – Тоғай Мурод, Рисолат Ҳайдарова, Зулфия Қуролбой қизи, Мамадали Маҳмудов, Аъзам Обидов ҳикояларини болгар тилига таржима қилиб, ўзимизнинг адабий сайтларимизда эълон қилдим. Бу мени илҳомлантирди, энди ёш ўзбек ёзувчилари ижодидан таржима қилиш ниятим бор.

Қадрли "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ўқувчилари, сизга чин дилдан саломатлик, фаровонлик ва барча жабҳаларда муваффақият тилайман. Насиб қилса, яна учрашамиз, чунки дўстлигимиз илдизлари мустаҳкам эканлигига ишонаман.

Қўлимни кўксимга қўйиб айтаман: "Ўзбекистон бор бўлсин, омон бўлсин! Дўстлигимиз яшасин! Барчангизга байрамингиз муборак бўлсин!"

Анора ТУРСУНБОЙ
қизи тайёрлади

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ:

НУРАФШОН ҚАСРЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Мустақиллигимизнинг 29 йиллигини нишонлаш арафасида янги қурилган турли иншоотлар, йўллар, кўприкларнинг ишга туширилиши эзгу анъанага айланган.

Бу йилги қутлуғ байрам кунлари ҳам тарихий воқеаларга бой бўлди. Айниқса, Тошкент метрополитенининг иккита ер ости бекати ҳамда ер усти ҳалқа метро линиясининг биринчи босқичи «Дўстлик-2 – Қўйлиқ» йўналишида еттита метро бекатлари очилгани мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида метрополитеннинг янги бекатларини, реконструкция қилинган Аҳмад Дониш, Фарғона йўли кўчаларини, янгидан бунёд этилган саноат корхоналарини бориб кўрди.

Тошкент метроси бугун дунёдаги энг мустаҳкам ва гўзал ер ости саройларидан бири, Тошкент ер усти ҳалқа метро линияси эса, Марказий Осиёда шу турдаги дастлабки иншоот ҳисобланади. Қарийб йигирма йиллик танаффусдан сўнг метро қурилишидаги бу икки улкан ютуқ йўловчиларнинг узоғини яқин қилибгина қолмай, барчамизнинг қалбимизга қувонч, фахр-ифтихор ва катта ишонч бағишлади.

Сирасини айтганда, ҳар биримизнинг Тошкент метрополитени билан боғлиқ унутилмас хотираларимиз бор. Ҳар куни ушбу транспорт воситасидан озми-кўпми фойдаланамиз. Кимдир метрога яқин мавзедан уй олишни ҳавас қилади, кимдир ҳар куни метро оркали ишхонасига бориб келади. Хуллас, метро 1977 йилдан – тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларининг узоғини яқин қилиб келмоқда.

Метрога биринчи марта тушган кунимни ҳеч қачон унутмайман: 1980 йил, 18 август. Айнан шу куни Чилонзор йўлининг иккинчи навбати ишга туширилган. Айниқса, Тошкентга 2025 йилга бориб, метрополитен темир йўли узунлиги тўрт баробарга ортиб, 157 километрга етади, 74 та бекат, жумладан, 17 таси ўтиш йўллари билан қурилиши режалаштирилган. Демак, яқин келажакда биз учун қувончли ва унутилмас кунлар кўп.

Яқинда Америкада (икки ойда бир чиқадиган) "Aramco World" безакли журналининг шу йил июль-август сонида кўплаб суратлари билан карийб ўн саҳифани эгаллаган "Тошкентнинг ер ости шоҳ асарлари" ("Tashkent's Underground Masterpieces") номли мақола эълон қилинди. Мен бу мақолани "Тошкентнинг ер ости саройлари" деб атаган бўлардим. Албатта, икки сўз маъносига кўра бир-бирига яқин, аммо бизнинг метро бекатлари сарой ва қасрлар даражасида қурилган ва албатта, айрим бекатларда бир эмас, бир неча шоҳ асарлар, дурдоналарни кўришингиз мумкин.

Тажрибали журналист Пиней Кестинг (Piney Kesting) мавзуга атрофлича ёндошиб, метрости ҳалқа йўли билан бирга ҳисоблаганда – 38 та бекат, 51,4 км.) зиёд узунликдаги ер ости темир йўли пойтахтликлар ва пойтахт меҳмонлари учун севимли, қулай ва арзон транспорт воситасига айланди. Мутахассисларнинг айтишича, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида метро қурилиши бошланган бўлса, ўтган ярим асрдан зиёд вакт мобайнида тўхтовсиз давом этиб келмоқда.

Келажакда бизни янада улкан бунёдкорлик ишлари кутиб турибди. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг метрополитенни ривожлантириш лойиҳаси тақдимотига кўра,

Тошкент метросининг, жумладан янги тушган бекатларнинг тозалиги, баҳаволиги, ёруғлиги, ёзда салқин, қишда илиқ бўлиши, хизматчиларнинг муомаласи ҳавас қилгулик. Кейинги йилларда бекатлар ва вагонларга экранлар ўрнатилгани ҳам яхши, аммо шу ўринда бир таклифни айтиб ўтишни жоиз деб топдик.

Метро бекатлари мўҳташам ва бекат номи – мавзуси бўйича шунчалик мужассам ишланганки, бу бутунликка бирор қўшимча киритсангиз, яққол кўзга ташланади. Шунинг учун бўлса керак, рекламачилар бу ҳолдан самарали фойдаланишмоқда. Менингча, метро бекатлари қандай яратилган бўлса, шу ҳолича сақлангани яхши.

Умумий кўринишига ўзгартириш киритиш лозим бекатлар ҳам бор. Бунга сабаб – уларнинг номи алмашганида. Албатта, бу янгиланиш юксак ижодий салоҳият, билим, меъморлик маҳоратидан ташқари катта маблағ талаб қилади. Аммо "Амир Темур", "Буюк ипак йўли" номли бекатларга тушсангиз, қаср деворларига пайнетдан тортиб "Спортлотто", дори-дармон рекламасигача илиб ташланган. Айниқса, "Буюк ипак йўли" бекатининг ташқарига чиқиладиган йўлагини ҳам бекатга алоқаси бўлмаган турли суратлар забт этган. Бу, шубҳасиз, афсусланарли ҳол. Турли олди-сотди тарғиботлари маданият ва маърифат тарғиботига дахл қилмаслиги керак. Рекламалар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, мўҳташам саройларга ярашмайди. Ҳатто кўзимизга беўхшов кўринади. Оддий баннердаги реклама санъат асари сифатида юзаси силликланган мармар деворнинг тирналишига арзирмикин?!



Ҳар бир метро бекатида ўзига хос рух, муҳит бор. Ўз даврининг етук меъморлари, мусаввирлари яратган ер ости саройларининг мавзу-моҳиятидан келиб чиқиб маънавий тарғибот ишларини ташкил қилиш мумкин. Масалан, Германия сингари ривожланган давлатларнинг метро бекатларида, йўловчи ташиш вагонларида маънавиятни, хусусан, китобхонликни тарғиб этувчи воситалардан кенг фойдаланилади. Йўловчилар эса олмон адабиёти намояндаларининг машҳур асарларидан олинган қизиқарли парчаларга кўз ташлаб ўтишлари мумкин. Буни ўқиган ёшлар ўша китобни топиб, бошидан охиригача мутолаа қилишга интилиши, шубҳасиз.

Умуман, метро бекатлари ва йўловчи ташийдиган вагонларни жиҳозлашда ташаббускор боболар белгилаб берган йўлдан борганимиз – аниқ мақсадли, маъно-моҳиятли, юкори савиядаги кўргазмали воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биз Тошкентнинг ер ости қасрлари билан фахрланамиз ва уни кўз қорачиғидай асрашга ҳаракат қиламиз. Келажакда яна юзлаб қасрлар қурилишига ҳам ишончимиз комил.

Ҳумоюн АКБАРОВ

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири

Халқимизнинг асрий орзулари – тинчлик-осойишталик, озодлик, миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз ифодаси бўлган истиқлолимизга, жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига 29 йил тўлди. 1991 йил 1 сентябрдан Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

БАЙРАМ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Сўнгги йилларда янгиланаётган Ўзбекистон сифатида жаҳоннинг тараққий этган давлатлари билан бўйлашаётган мамлакатимиз дунё эътиборида турибди. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан, бошқа соҳалар каторида, маданият соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, унинг ривожи йўлида карорлар қабул қилиниб, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар фаолиятига кенг имкониятлар берилгани, соҳа ходимлари муносиб тақдирланаётгани мана шу юксалишларда ўз аксини топаётирки, бу ғоят қувонарли, шарафли ва, ўз навбатида, жуда масъулиятлидир. Шунинг учун ҳам Мустақиллик биз учун энг улуғ ва энг азиз байрам ҳисобланади.

Одатда, ҳар йили бу қутлуғ санани катта тайёргарликлар, оммавий сайллар, тантаналар билан кутиб олаётгандик. Аммо, минг афсуски, машъум коронавирус пандемияси бутун дунёни ўз исканжасида ушлаб турибди. Табиийки, бу офат бизни ҳам хавотирга солиб қўйди, карантин қоидаларини янада қатъийлаштиришга мажбур этди. Шундай бўлса-да, давлатимиз раҳбари бошчилигида кейинги беш ой давомида халқимиз руҳини, байрамолди кайфиятини кўтариш мақсадида амалдаги қоидаларни бироз юмшатишга қарор қилинди. 15 августдан бошлаб аҳоли дам олиш масканлари, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, масжидлар босқичма-босқич ишга туширилди. Транспорт воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир ишда мулоҳазали, меҳнатсевар, олижаноб халқимиз манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатлардир. Фақат хотиржамликка берилмай, бундай ғамхўрликка жавобан давр талабига риоя қилсак, ижтимоий масофа, никобу зарарсизлантирувчи воситалардан фойдаланишни унутмасак бўлгани.

Қутлуғ байрам арафасида муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Ватан равнақи, жамият тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли соҳа вакилларидан иборат бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Таъбир жоиз бўлса, бахти кулган нишондорлар орасида маданият ва санъат соҳаси ходимларининг ҳам салмоқли ўрни борлигидан ниҳоятда мамнунмиз. Мамлакатимизнинг юксак унвону мукофотларига сазовор бўлган касбдошларимизни, соҳанинг жонкуяр ходимларини чин қалбдан муборакбод этамиз. Юртбошимизнинг эътибор ва эътирофи, эл-юртимиз ҳурмати уларнинг бундан кейинги фаолиятларига жўшқинлик, ғайрат-шижоат, куч-қувват бағишлаши, шубҳасиз.

Шундай қувончли кунларда бошқа соҳа вакиллари каби маданиятимиз жонкуярлари, фидойи санъаткорларимиз ҳам хизматингизда бўлиб, сизларга хуш кайфият, шодлик улашишда камарбастадирлар. Маданият вазирлиги тизим ташкилотлари ходимлари, санъат ва маданиятимиз вакиллари, азиз ватандошлар юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги, маданият ва санъатимизни янада юксалтириш йўлидаги ишларингизга улкан муваффақиятлар тилайман. Ватан равнақи, мустақиллигимиз мустаҳкамлиги учун садоқат билан қилаётган меҳнатларингиз самараси бардавом бўлсин. Мустақил, янгиланаётган Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимиз барчамизга муборак бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб

– Мусиқада "калит" тушунчаси бор. Турли товушларга муносиб турли калитлар. Овозлар ҳам турлича бўлади. Мисол учун бас овози – паст, лекин йўғон эшитилади. Баритон, тенор, метасапрано, сопрано. Булар ҳам бўлинади: драматик сопрано, лирик сопрано, драматик-лирик сопрано. Бас – ноёб овоз. Баритон, тенор эса кенг тарқалган...

ИСТИҚЛОЛ МУСИҚАСИ

Бастакор дўстимнинг берилиб сўзлашига қулоқ солиб ўтириб, ўзимча мусиқа оламига хос бўлган бундай товуш тобланиши хилма-хиллиги бадиий адабиётда қандай кечишини тасаввур этишга ҳаракат қилдим.

Биз, одатда, адабиёт аҳлини асосан мунаққид, адабиётшунос, драматург, шоир ва ёзувчи тоифаларига ажратиш билан кифояланамиз. Лекин мақоладан мақоланинг, ҳикоядан ҳикоянинг, шеърдан шеърнинг, романдан романнинг озмунча фарқи борми?! Бу бежиз эмас, зеро, ҳаётда иккита айнан бир хил одам учрамаганидек, айнан бир хил ижодкор ҳам учрамайди, демак, бир хил асар бўлиши ҳам мумкин эмас. Мазмун, мундарижа, тил, сюжет ва ҳоказо услубий ўзига хосликларни қўя турайлик, асарни асар қилиб турган оҳанг сеҳрини айтинг!

Назмда вазн, қофия каби унсурлардан оҳанг шаклланади, бу ҳол, бу қонуният наср учун ҳам бегона эмас. Ҳамон сўз Ҳақнинг сояси экан (Жалолиддин Румий), ҳеч бир сўз илоҳий мусиқийликдан холи эмаслигига имон келтирамиз. Демак, кафтдек лавҳадан, ҳикоя-новелладан тортиб то қиссаю романгача ўз оҳанги, мусиқаси мавжлари қанотида қад ростлайди. Тўғри топилган ва муносиб "басталанган" мўъжизакор оҳанг асарнинг тугал бир қўшиқдек бутунлиги, яхлитлигини таъмин этади.

Оҳанг ўз-ўзидан топила қолмайди. Кўпроқ у ижодкорнинг аҳвол-руҳиясига, ижодий-инсоний кайфиятига боғлиқ бўлади. Ижодкор кайфияти эса кундалик ҳаёт кайфиятидан, қолаверса, давр кайфиятидан, улуғ саналар бахш этган хуш кайфиятдан қувват олади.

Улуғ айём арафасида бир гуруҳ ижодкор ҳамкасблар қатори менинг камтарин хизматларим ҳам юксак эътиборга муносиб кўрилгани – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланганимдан беҳад мамнунман. Ижод довонларини дадил забт этишда бундай рағбатлар, қўллаб-қувватлашлар биз ёзувчилар, санъаткорларга руҳий қувват, куч-қувват бағишлаши шубҳасиздир.

Мана, 29 йилдирки, мамлакатимизда ўзгача кўтаринки, шодлик кайфияти барқарор бўлиб турибди. Бу – Мустақиллик кайфияти, Мустақиллик оҳанги, Истиқлол мусиқаси! Энг улуғ, энг азиз қўшиқ!

Ҳар бири ўз ижодий дунёсида яшайдиган ижод аҳлига бирдек улуғвор кайфият бахшида қилган, ижодга ундаган бу тарихий сана йил ўтар, йиллар ўтар, қиёси йўқ миллий оҳангдошлик туйғуларини инъом этаверади. Ғурур, ифтихор, ўзликни англашдек юксак мақомлар эса халқимизнинг ғурурига ғурур, ифтихорига ифтихор қўшади, ўзлигини англашдек комиллик бекатлари сари юксалтиради. Зеро, Мустақиллик мусиқасидан туғилган ҳайрат-ҳаяжоннинг қувноқ садолари асло сўнмайди!

Ғайрат МАЖИД

АДАБИЁТ БОҒИ

Бир қутлуғ ҳикмат билан диллар боғлиғ-чаманлиғ,
Ёр бўлмоқ ёрлиқ ишдир, иш эмасдир душманлиғ,
Ҳар кўнгил ошиқ ўлсин, бўлсин сарви суманлиғ,
Йўллар чароғон бўлсин, бўлмасин ҳеч туманлиғ,
Навоийнинг қиблага покиза нигоҳи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Кўнглига Ватан ишқин, жасоратни экди у,
Шоҳ бўлди, дунёнинг шоҳ фироғини чекди у,
Эгилмади ғамларга, Ҳаққа бошин эгди у,
Умрини сўз аталмиш яхшиликка тикди у,
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сабоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Боғни гуллатмоқ учун мироб ҳам керак экан,
Дилни яшнатмоқ учун меҳр – об ҳам керак экан,
Ҳақ суҳбатин истасанг, меҳроб ҳам керак экан,
Офтоб ҳам керак экан, моҳтоб ҳам керак экан,
Дилда Оғаҳий ёққан муҳаббат чироғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Навоийдан сўз очган, мард-ҳалол халқнинг ўғли,
Фузулийдан дур сочган, юраги оташ-чўғли,
Махтумқулидек умри ўтган эл-юртга боғли,
Кунҳўжа, Ажиниёз каби дуторли – туғли,
Бердақ – сахро булбулин ҳеч сўнмас сайроғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Ватан қаерда бўлса, тану жон ўшандадур,
Саёҳат ҳам Ватанда, сайр ҳам Ватандадур,
Булбуллар сабза урган боғларда, чамандадур,
Ўзим ҳар жойдаману кўнглим маним сандадур,
Муқимий тортиқ этган дилларнинг титроғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Айрилиқ оғир қисмат, яшайсан ситам ичра,
Ватандан айро дилнинг ҳаёти мотам ичра,
Фироғи, изтироби қадам боқадам ичра,
Элинг озод бўлмаса, мардларинг адам ичра,
Фурқатнинг куйган кўнгли, қорайган қароғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Мозий – ойина, яна ҳақиқат тарозуси,
Аҳли илм миллатнинг раҳнамоси, кўзгуси,
Оҳ ва ҳасратим битгай ушалса эл орзуси,
Ҳуррият, сендан бўлак, йўқдир қалбим қайғуси,
Огоҳлик – Беҳбудийнинг чалган қўнғироғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Кому мақсад ҳосили маърифат қуёшидан,
Тарбия шарти акбар, шаксиз, бола бошидан,
Ҳурлик дея курашгин, қўрқма қисмат тошидан,
Илм қуши юксак учгай чарх айвони қошидан,
Абдулла Авлонийнинг ихлоси, ахлоқи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

"Ўткан кунлар", во дариғ, билдим мен, ўтмас экан,
Меҳробдан чиққан чаён – доғ эрур, битмас экан,
Ғофилни уйғотишга вақтимиз етмас экан,
Аммо бу истак дилдан ҳеч қачон кетмас экан,
Қодирийнинг абадий қонмас дил чанқоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Бошни зўр ишга бериб йиғлаган одам менман,
Кеча-кундуз эрк деб жон тиғлаган одам менман,
Қалбни оташга ташлаб чўғлаган одам менман,
Бинафша сенми, деб дил йўқлаган одам менман,
Абдулҳамид Чўлпоннинг изтироб-сўроғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Маним асл ҳолимни билса, Ҳақ – қуёш билгай,
Жон дўстим, ёлғиз кўнглим – чин содиқ сирдош билгай,
Интизор кўзларимда ҳалқа-ҳалқа ёш билгай,
Шу бечора жон билгай, шу умр – бардош билгай,
Устоз Ғафур Ғуломнинг фарёди бу, оҳи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Бир ўлкаки, қишида шивирлайди баҳорлар,
Бир сават оқ гул тутиб қуёшга оқ наҳорлар,
Навоийдек зот уни ҳар дам қошига чорлар,
Тоғлар мангу яшайди, эриб кетади қорлар,
Ойбек домла халқимнинг осмонўпар тоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Тоғлардай салобати, тоғлардай виқори бор,
Боғлардайин серҳосил ижоди – изҳори бор,
Сўз атомдан кучлидир – ҳаётий шиори бор,
Ўзбекнинг шундай улуғ Абдулла Қаҳҳори бор,
"Ўтмишдан эртаклар"и сўзининг салмоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Қалбнинг бор сийратини кўзлар этгай ифода,
Тоза ўгитлар айтиб ўтди Мақсуд Шайхзода,
Чин гўзаллик синглиси – шеърдан диллар озода,
Ватан деганга ажал кор қилмайди дунёда,
Мирзо Улуғбекнинг ой – фалакда учоғи, бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Водийларни бахтиёр кезганимдан айтайми,
Гоҳо жонни аямай эзганимдан айтайми,
Гоҳо шу ширин жондан безганимдан айтайми,
Аммо Семурғ келишин сезганимдан айтайми,
Устоз Ҳамид Олимжон дил қони, сиёҳи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Қуёшли қалам тутмоқ, устозларга эҳтиром,
Фироқдан ишқ тўла дил олиб яшар интиқом,
Хотира синиқлари кўнгил сурати, тамом.
Демакки, мушоира тўхтамас, этар давом,
Зулфиянинг гулларга лим тўлган қучоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Тақдир зарбаларини қулиб енгса бўларкан,
Уфқ каби кенг бағир бўлиб енгса бўларкан,
Ёр ўйини ошино билиб енгса бўларкан,
Қонлар ютиб, табассум қилиб енгса бўларкан,
Саид Аҳмад кулгунинг қайнаган булоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Гулга ағёр азоби шунча бўлурми, ҳай-ҳай,
Оҳ, юракнинг оташи кунча бўлурми, ҳай-ҳай,
Ёр ҳажрида кўз ёши Нилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай*,
Чин муҳаббат, садоқат кўнгилнинг учмоҳи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Порлаган қуёш янглиғ, чин шонинг бўлсин деган,
Ҳақдан улуғ насиба – иймонинг бўлсин деган,
Ичингда ёниб турган виждонинг бўлсин деган,
Буғдой-буғдой сўзлардан хирмонинг бўлсин деган,
Озод домланинг сўзи – сўзларнинг қайроғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Сизга айтсам, гул-явшан ўсган ерда уйим бор,
Бу ер ҳали зўр бўлгай, деган қутлуғ ўйим бор,
Бўзтўрғай бўзларидай ўлмайдиган куйим бор,
Қайда қорақалпоқ бор, ул жойда Ибройим бор,
Шаксиз, Бердақ бобомнинг энг донгдор урпоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Тўлепберген бир достон – қорақалпоқ достони,
Бир эл учун мисоли Саъдийнинг "Гулистон"и,
Маҳшаргача тугамас рост сўзларнинг даврони,
Амунинг сувларидай ухламаган виждони,
Туркий улусимнинг бир аймоғи-ушоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Ҳар лаҳза виждон билан Тангрим имтиҳонида,
Инсон қалбининг ҳоли муҳаббат девонида,
Тонг нафаси пок неъмат ҳаётнинг ҳар онида,
Тил ва Ватан қайғуси жонида, иймонида,
Эркин Воҳид нидоси – миллатнинг маёғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Шоир ёзиб турганинг Худодан саодатдир,
Уйғоқлик пешонангга лавҳда битилган хатдир,
Ҳақиқий ошиқларга рост сўйламоқ одатдир,
Изҳоринг кечикмасин, кечикса мусибатдир,
Александр Файнберг оҳининг ирмоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Ҳикмат садоси келгай ҳамд билан саловатдан,
Тўхтагил, эй қора дил, бир нафас адоватдан,
Ватан мадҳи янграсин бу чексиз самоватдан,
Унга сўз – неъмат инган Ҳақ берган заковатдан,
Халқ ва бардош – Абдулла Орифнинг ҳамроҳи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Оқ тулпорда Алпомиш, тоғдай ўғлон қайда бор,
Ойбарчиндек оқният, кўзи жайрон қайда бор,
Балогардон қайда бор, Сохибқирон қайда бор,
Ўзбекистон ягона, Ўзбекистон қайда бор,
Муҳаммад Юсуф қалби – лолақизғалдоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

Булбуллар сайраб-сайраб, яйраган боғ меники,
Яқин-йироқ меники, шу сўлу соғ меники,
Кўкда порлаган қуёш, нурли ёноқ меники,
Боболар зиёси бор, азиз тупроқ меники,
Ватаним, Давлатимнинг бемисл ардоғи бу,
Адиблар хиёбони – адабиёт боғи бу.

*Саида Зуннунова сатри

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
«Дўстлик» ордени соҳиби

ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ!

Қиши – ёз, ёзи – жаннат,
Табиати – гул, кўркам.
Ҳамиша ёр шодлик, бахт,
Ўзбекистон – ҳур ўлкам!

Қузи – кўклам, яйраган,
Қовуни тилим-тилим.
Бедана, каклик сайраган,
Ўзбекистон – ўз элим!

Чанқоқ босар айрони,
Шундай гўзал аймоғи,
Доим мовий осмони,
Олтин каби тупроғи.

Туя тортар бўйнида,
Ғаллаорол, Ургутда,
Қўйтош эли қўйнида,
Қўниб ўтдим кўп юртда.

Бахмал ери – ям-яшил,
Дўстлар билан яйрашиб,
Бўза ичганмиз асл,
Чўпонларга қарашиб.

Кетмонни ҳам чопганман
Кечгача – эрта тонгдан.
Довонлардан ўтганман,
Карвондай чалиб бонглар.

Яйловда мол боққанман,
Зомин адирларида.
Китоб ўқиб уққанман,
Шеърни, Ойбек нурида.

Улуғ ўзбек элидан,
Улғайдим, олиб таълим.
Ризқим топдим еридан,
Бўлдим шоир ҳам олим.

Очиб айтсам дилимни,
Ўзбек нонин тотганман.
Дўстга бериб қўлимни,
Ҳаётга йўл очганман!

Севикли ёримни ҳам,
Топганман шу диёрда.
Гул тутганман бир олам,
Шундан умрим баҳорда.

Мана шундай қадрдон,
Туғишган – қардош элда,
Кунларим ўтар шодон,
Олға, дўстлик йўлидан!

Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири,
"Эл-юрт ҳурмати" ордени совриндори

Бугун Ўзбекистонда ҳамма яратувчилик меҳнати билан банд, жумладан, санъат аҳли ҳам ижод қилаяпти. Атрофимизда ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлар жуда ҳам кўп. Мамлакатимизда янгиланиш, ўзгаришлар жараёни қизғин давом этаётир. Одамларнинг фикр-тафаккурида ҳам бу ўзгаришлар самараси аён кўринади. Давлатимиз раҳбарининг тинимсиз саъй-ҳаракати, ташаббуси бутун Ўзбекистон халқига ғайрат-шижоат, келажакка ишонч бағишламоқда.

ИЖОД — ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

Барча ҳудудларда ташаббускор, тадбиркор юртдошларимиз пешқадам. Вилоятларимизда, туманларимизда қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга ошаётир. Булар барчаси Ўзбекистонимизнинг келажагига катта ишонч уйғотади. Кеча чўл бўлиб ётган ерларда фабрика, заводлар қурилаётир, бўш ётган қир-адирлар боғлар, экинзорларга айланаётир.

Адабиёт ва санъат соҳалари ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур соҳаларнинг фидойилари меҳнати эътироф этилаётир. Эътироф дегани элнинг орасида саралаб, танлаб олиш дегани. Бизда юксак унвонларга, мукофотларга муносиб инсонлар кўп. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик арафасида улардан бир гуруҳи тақдирлангани барчамизни хурсанд қилди. Шулар қаторида Ватаннинг "Эл-юрт ҳурмати" орденига муносиб кўрилганимдан ғоятда миннатдорман. Биз маънавият ҳақида кўп гапирамиз. Маънавият нима? Оқ-қорани таниш, яхшилик билан ёмонликни ажрата билиш, гўзалликни ҳис қилиш, бир туп гул ёки ям-яшил барг чиройидан ҳайратга тушиш. Мана шу маънавият. Мана шундай ҳайрат туйғусини одамларнинг қалбига, онгига адабиётни олиб киради. Қайси замонда бўлмасин, ўзбекнинг юрагидаги соҳир туйғуларни, эзгу ниятларни адабиётгина тўла-тўкис, таъсирчан кўрсата олади. Шу маънода адабиёт санъатларнинг онаси, десам муболаға бўлмайди. Эсимни танибманки, шу адабиёт хизматидаман. Эсимни танибманки, халқимизга манзур бўладиган асарлар ёзай деб ҳаракат қиламан. Ҳаётимнинг мазмуни, фаолиятимдан мақсад ҳам, аслида, шу. Ижодий меҳнатимнинг юксак даражада эътироф этилгани учун яна бир бор раҳмат айтаман.

Эсимда, шўро тузуми даврида Қорақалпоғистонни обод қилиш ҳақида жуда кўп гаплар бўлган, аммо катта-катта мажлисларда берилган дабдабали ваъдалар фақат қоғозларда қолиб кетган. Ўтган асрдаги муносабатдан фарқли ўлароқ, кейинги уч йилда Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудуди, Орол экологик таназзулидан жабр чекаётган Мўйноқ туманида амалга оширилган ишларнинг ўзи давлатимизнинг нималарга қодир эканини кўрсатди, десак муболаға бўлмайди.

Оролнинг қуриган тубидан ҳар йили кўтариладиган 100 минглаб тонна тузли тўзонларни тутиб туриш учун германиялик қадрдонларимиз йигирма йиллар мобайнида тинимсиз ҳаракат қилиб, денгиз тубида юз минг гектарга яқин ерда саксовул плантацияларини яратган эди. Ҳурматли Президентимизнинг ташаббуслари билан кейинги икки-уч мавсумда 1,5 миллион гектарли майдонга саксовул, кандим, кораборақ сингари сувсизлик ва шўрга чидамли, чинакам чўл фарзандлари бўлмиш ўсимликлар уруғи экилди. Ҳозирги кунда баҳор ва куз ойларида Орол денгизи ҳудудини самолётдан кузатсангиз, қумлар бағридаги ям-яшил манзаралар кўзингизни қувонтиради. Нигоҳларни эркалайдиган ушбу зумрад олам, албатта, денгиз тубига экилган саксовул уруғидан униб чиққан улкан ўрмондир.

Устоз шоиримиз Ибройим Юсупов айтганидек, бир замонларда "Халқнинг ризқ-насиба қозони бўлиб қайнаган" Оролнинг ичкарисига кириб борган ариморолнинг маркази – Мўйноқ кўримсиз, тараққиётдан чеккадаги шаҳарча Ўзбекистон давлатининг куч-қудрати билан тез фурсатда қайта туғилди.

Ўтган асрнинг 40 – 50-йиллари, ҳатто 60-йилларда ҳам йилига бир неча миллион дона балиқ консерваларини ишлаб чиқарган комбинат аллақачон тўхтаб, аҳолиси ишсиз қолган Мўйноқда 2017–2020 йилларда тикувчилик фабрикаси, балиқ консерва комбинати, саноат мажмуаси очилиб, минглаб ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланди. Йигирмадан ортиқ кўп қаватли турар-жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. Спорт мажмуаси, маданият саройи, денгиз музейи иш бошлади.

Шу йил май ойида Президентимиз Тошкентдаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида ташкил этилган Адиблар хиёбони мажмуасининг очилиш маросимида ижодкор-зиёлилар билан учрашувда сўзлаган нутқида: "Адабиёт халқнинг юраги... Бугунги мураккаб замонда одамлар юрагига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак", дея таъкидлаган эди. Шу боисдан пойтахтнинг энг сўлим жойида улуғ адибларга ҳайкаллар қўйилиб, улар эъзозланмоқда.

Яхши ишнинг қўллаб-қувватловчилари ҳар доим топилади. Пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган хиёбондаги ҳайкаллар орасида қорақалпоқ халқининг севимли шоир-ёзувчилари Бердақ Қарғабой ўғли, Ибройим Юсупов ва Тўлепберген Қайипбергеновнинг ҳайкаллари ўрин олганини кўрган ва бу билан ғурурланган қорақалпоғистонликлар Нукуснинг энг сўлим гўшасида қардош халқлар ва қорақалпоқ халқининг севимли адиблари бюстларини ўрнатишга қарор қилди. Бу хайрли ишга Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси собиқ раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Муса оға Ерниязовнинг ўзи бош-қош бўлган эди.

ИСТИҚЛОЛ – ҚУДРАТ

Жонажон Ўзбекистонимиз камолот ёшига етиб, кундан-кунга кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда, салкам ўттиз ёшни қаршилаётган навқирон йигит янглиғ куч-қудратга тўлмоқда. Шу азиз Ватаннинг бир гўзал маскани бўлмиш Қорақалпоғистонда мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги уч йилда қилинган ишлар муҳтарам Президентимизнинг бу ўлкага алоҳида меҳр ва муҳаббат билан эътибор қаратаётганининг далолатидир.

Мустақиллик шарофати билан янгиланиб, ўзгача чирой касб этган Мўйноққа яқинда ташриф буюрганимизда бир талай янгиликларга гувоҳ бўлишимизни тасаввур қилмаган эдик.

– Сизларни қувончли хабар билан табриклайман, – деди бизни қаршилаб, "Book cafe"(замонавий китоб мажмуаси)нинг муҳташам ўқув залига бошлаган туман мутасаддиси, эски танишимиз Мэлс Қушназаров.

– Биз ҳам "Book cafe" қутубхонаси учун янги китоблар олиб келганмиз.

– Раҳмат сизларга.

Ҳар сафар Мўйноққа сафаримизнинг дастлабки бекати бўлган қутубхонага янги китобларимизни топширдик. Қутубхоначи китоблар учун раҳмат айтиб, ўқувчилари орасида фақат мактаб ёки коллеж ўқувчиларигина эмас, балки катта ёшли кишилар ҳам борлигини қўшиб қўйди.

– Бу ёзувчи учун қувонарли ҳол, – деди ҳамроҳимиз, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алланазар Абдиев. – Халқ китобни қизиқиб ва севиб ўқир экан-да!

"Book cafe" ходимаси билан хайрлашиб, ташқарига чиқдик.

БИЗ ВАТАНГА КЕРАКМИЗ

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

БИЗ ВАТАНГА КЕРАКМИЗ

Сени ўйлаб ҳар бир онида,
Ҳаловат йўқ азиз жонида,
Кўзлари тўрт эшик ёнида,
Сен онангга кераксан, дўстим.

Кўзойнаксиз кўролмаяпти,
Чала уйни куролмаяпти,
Сени ўйлаб ухлолмаяпти,
Сен отангга кераксан, дўстим.

Атак-чечак қадам босди у,
Қуйиб қўйган ўзинг, рости у,
Дада деган тумор осди у,
Сен ўғлингга кераксан, дўстим.

Қўнғироқдек сочлари гўзал,
Киприклари, қошлари гўзал,
Ҳатто соғинч ёшлари гўзал,
Сен қизингга кераксан, дўстим.

Орзулари оқ осмонида,
Хотири жам бўлсанг ёнида,
Ўрнинг бордир дастурхонида,
Аёлингга кераксан, дўстим.

Мусофирлик қисмати қурсин,
Кел, толеинг Ватанда кулсин,
Болаларинг бағрингда унсин,
Оилангга кераксан, дўстим.

Ғурбатларда ўхшаб асирга,
Юриш эпмас сендек ботирга,
Тўй-ҳашамлар қилайлик бирга,
Дўстларингга кераксан, дўстим.

Асрлардан ўтар нарига,
Бир ғишт қўйсак пойдеворига,
Кел, ярайлик юртнинг корига,
Биз Ватанга керакмиз, дўстим.

КЎЗТУМОР БЎЛАЙЛИК

Дунё ҳавас қилган қадимий диёр,
Ҳар гиёҳ атрида жаннатий ифор,
Аждодлардан мерос зўр шиддати бор,
Кўз тегмасин десак шундай ошёнга,
Кўзтумор бўлайлик Ўзбекистонга!

Боболар юзида табассум, виқор,
Момолар сўзида ажиб сеҳр бор,
Ҳур Ватан қўйнида яшар бахтиёр,
Муқаддас тупроғи ҳар бир инсонга,
Кўзтумор бўлайлик, Ўзбекистонга!

Тадбиркор, миришкор, ҳар ишга қодир,
Тинчлик кўрикчиси, ўктам, баҳодир,
Йигитлари танти, қизлари ботир,
Шу элни буркайлик шарафу шонга,
Кўзтумор бўлайлик, Ўзбекистонга!

Қишлоқлар жамоли шаҳарга тенгдир,
Одамлари содда, феъли ҳам кенгдир,
Бири ёқа бўлса, бириси енгдир,
Фидойи меҳнати сиғмас достонга,
Кўзтумор бўлайлик, Ўзбекистонга!

Ғаним бор, кир излар тирноқ остидан,
Қўрғонни асрайлик унинг қасдидан,
Ўзбеклар кечмагай содиқ дўстидан,
Ҳушёр бўл, қарайлик атрофга, ёнга,
Кўзтумор бўлайлик, Ўзбекистонга!

Улуғларнинг руҳи қўллагай бизни,
Асраб-авайласак ҳур юртимизни,
Шаҳд ила босайлик, муносиб изни,
Қўлни-қўлга бериб, ҳозир, шу онда,
Кўзтумор бўлайлик, Ўзбекистонга!

ЯНГИ КУН

Оқариб-оқариб отаяпти тонг,
Қуёш яна ёяр оқ сурпасини.
То хўроз заминга урмасидан бонг,
Секин йиғиштирар тун кўрпасини.

Аста жонланади осуда шаҳар,
Қимирлаб қолади сокин кўчалар.
Обод қишлоқларга бўйлаган саҳар,
Тандирдан нон узиб бўлди чечалар.

Дастурхон бошида ўқилар дуо,
Эл-юртга сўралар тинчлик, омонлик.
Боболар юзидан таралар зиё,
Момолар шивирлар: "Кўрманг ёмонлик".

Шундай бошланади янги кун, ҳаёт
Янги юмушларга қўнғироқ чалар.
Илму маърифатда аслида нажот,
Мактабга ошиқар ўғил-қизчалар.

Алпқомат, мард, жасур ҳар битта ўғлон,
Оқила, парирўй, фаришта қизлар.
Беҳуда кетмасин дея ҳар бир он,
Юрт корига яраш имконин излар.

Сиру синоатга тўла коинот,
Мудом ўз бағрига чорлайди само.
Аждодлар руҳидан олиб куч-қанот,
Навқирон авлоддан чиқғайдир даҳо.

Бири Улуғбекдир, бошқаси Сино,
Амир Темур каби ботир, паҳлавон.
Зулфия қизлари ҳур, малаксиймо,
Нодирабегимга издош бегумон.

Ёнади кўксида элу юрт шаъни,
Турли ёт ғоялар ўтирмас таъбга.
Юртин улуғлаган мардлар маскани,
Темурбеклар илдам борар мактабга.

Бу юртда неъматлар топгандир эъзоз,
Тинчлигу соғлиқнинг ҳифзи мустаҳкам.
Шу сабаб кўкларга айлайди парвоз,
Аждодлар изидан ўғил-қизи ҳам.

Яна ёнбошлайди уфққа қуёш,
Ишора бергандек инсониятга.
Эй, замин фарзанди, эй, сен замондош,
Номингни муҳрла абадиятга.

ВАТАННИ СЕВ

Бир қоринга бир бурда нон кифоятдир,
Ҳалол бўлса, шу ошу туз иноятдир,
Лек тузлуққа тупурмоқлик жиноятдир,
Бўлса дилда заррача ор, Ватанни сев.

Ётиб есанг, бир кун тоғ ҳам қулар, билсанг,
Дўст бўлмаган зимдан ҳасад қилар, билсанг,
Гар тўйисанг, бор ортингдан кулар, билсанг,
Қолмай десанг чекиб озор, Ватанни сев.

Қолмай десанг эрта бир кун маломатга,
Енг шимариб хизмат қилгин адолатга,
Нима етсин кўнгилдаги ҳаловатга,
Шу ҳаловат учун такрор Ватанни сев.

Боқ дунёнинг ишларига кўзинг очиб,
Қанча мазлум ўз юртидан айро — қочиб,
Қўймаган-ку ризқни оёқ ости сочиб,
Меҳнатсиз бахт эрур душвор Ватанни сев.

Аслида ўз ичингдаги душмандан қўрқ,
Юзга боқиб, ортдан олар нишондан қўрқ,
Битта лоқайд бўлса ҳамки, ўшандан қўрқ,
Эл дардида бўлиб бемор, Ватанни сев.

Орзулари осмон ўғил-қизинг учун,
Ортда қолар текис, равон изинг учун,
Рўзи маҳшар чоғи ёруғ юзинг учун,
Бўлиб ҳушёр, бўлиб бедор, Ватанни сев.

Тизгинламоқ мушкул замон шитобини,
Ўқи, ўрган қўҳна ҳаёт китобини,
Дилга жойлаб элбошининг хитобини,
Далда бўлгин, бўл мададкор, Ватанни сев.

ДЎСТ ТУТИН КИТОБ БИЛАН

Англатади дунёни,
Улашиб нур, зиёни,
Билимнинг йўқ поёни,
Уйғониб офтоб билан,
Дўст тутин китоб билан.

Зеҳнинг боради тошиб,
Довон ошиб, кир ошиб,
Оқар сув каби шошиб
Вақт ўтар шитоб билан,
Дўст тутин китоб билан.

Доим очиқ қучоқ у,
Маърифатга ўчоқ у,
Йўлингда шамчироқ у,
Яша шу хитоб билан:
«Дўст тутин китоб билан».

Ўқишни қилсанг одат,
Ҳамрохдир бахт-саодат.
Илм ҳам бир ибодат,
Ҳар амал ҳисоб билан,
Дўст тутин китоб билан.

Ҳар лаҳзада, ҳар бир он,
Нима яхши, не ёмон,
Ажратиш бўлар осон,
Гуноҳни савоб билан,
Дўст тутин китоб билан.

Бўлай десанг, басма-бас,
Замон билан ҳамнафас,
Билишни қилсанг ҳавас,
Саволу жавоб билан,
Дўст тутин китоб билан.

Вақтни зое кетказма,
Ақлингга гард етказма.
Бехудага ўтказма,
Умрингни сароб билан,
Дўст тутин китоб билан.

ЖАННАТМОНАНД БИР МАЪВО

Дилбар ҲАЙДАРОВА

МЕН ШАРҚЛИКМАН

Умрнинг ёзи шундай ўтаверар куйдириб,
Оҳ-воҳ дейсан, ёнасан, негадир ишонасан.
Ўзинг истамай туриб гоҳ қўясан суйдириб,
Душманларнинг ўқига бир куни нишонасан.

Ёзнинг оловларида мевалар пишганча ғарқ,
Ер билан битта бўлиб кўксимни увиштирар.
Менинг туғилган жойим ёзи узун гўзал Шарқ,
Лайлию Мажнунни ҳам сахрода топиштирар.

Мен Шарқликман, Оврупо қизига хат ёзаман:
Куймоқни истарсан – кел, суймоқни истарсан – кел.
Шарбат тўла боғларим сенга маҳтал бу замон,
Гар бахтсизсан, келақол ёки бахтиёрсан, кел.

Осиёнинг ёзи бу, фаслларнинг сози бу,
Куймаганни куйдириб, куйганга бўлгай даво.
Чумолидай меҳнаткаш умр имтиёзи бу,
Ер шарида яралган жаннатмонанд бир маъво!

ОНАМ ҲУЗУРИГА

Бунча узоқ юрар авто дегани,
Юрагимни чақиб борар алам, ғам.
Тушқун хаёлларга берганча маъни,
Бу кунга тушмасин дейман ғаним ҳам.

Бу равон йўллардан ўтяпман йиғлаб,
Осилгим келади қалдирғочларга.
Йўлдаги гуллар ҳам бағрини тиғлаб,
Қизариб осилар тик оғочларга.

Йўл деган ҳам шунча бўларми узоқ,
Минг хил гумонларга кўмиб ташладим.
Соатни кўрсатиб бермангиз изоҳ,
Бир соатмас, ахир, минг йил яшадим.

Мен келар йўлларга кўзини тикиб,
Кўзим хира дея зорланмаганим.
Мен тортган аламдан қаддини букиб,
Баъзан шод кунларим ёдланмаганим.

Эсимни киргазиб қўяр шу йўллар,
Она, кўпроқ яшанг – қиламан дуо.
Дуога ёзилган меҳрибон қўллар,
Сен томон узалган, эй кодир Худо.

ЁЗ МАДҲИ

Ерни ҳансиратган ёзингдан, Ватан,
Боғларинг тўкади меваларини.
Қуёшингни севдим созингдан, Ватан,
Сасларингдан ишқнинг шеваларини.

Оловлар пуркаса осмонда қуёш,
Булоқлар фаввора бўлади ерга.
Райҳону жамбиллар тўкади кўз ёш,
Ёз фасли ловиллаб киради шеърга.

Тоғларнинг бошида эриб битмай қор,
Ёз фасли куйдириб ўзи бўлар кул.
Табиатнинг шундай нозиклиги бор,
Ўзиники қилар дунёни буткул.

Тоғларга элтувчи йўллар куяди,
Куяди шу топда очилган гуллар.
Далалар бошига япроқ илади,
Баҳор излаб кетар бу чоғ булбуллар.

Дарё бўйларида бошланар ҳаёт,
Сойнинг кечувлари шодликка тўлар.
Деҳқон ҳорғин айтар меҳнатга баёт,
Буғдой уйга кирар, бекалар қулар.

Саратон сарғайди, қовун берди банд,
Тонг саҳар тандирга ўт ёқар аёл.
Тандирдан нон узиб чарчамас ҳарчанд,
Ҳовлига сув сепиб супурган аёл.

Меҳнаткаш аёлга ўхшаб кетар ёз,
Дастурхонга тўкиб нозу неъматлар.
Елкасида чалғи – деҳқон сарафроз,
Далаларга боқар, қутли меҳнатлар.

Деҳқоннинг елкаси меҳнатда қотган,
Далаю боғларда этигин изи.
Ўзбекистон бугун мевасин тотган,
Боғларга боқади, ер турар қизиб.

АЗИЗИМ

Оч-наҳор қолишдан қўрқманг, одамзод,
Очин-тўқин кунлар ўтиши мумкин.
Ҳеч қайси эшикдан чиқмасин фарёд,
Азизим, одамсиз қолишдан қўрқинг.

Аввало, сал қўрқинг қодир Худодан,
Ёлғон-яшиқларни айтишдан тўхтанг.
Фитна-фасодларни чиқаринг ёддан,
Ҳали аҳволингиз бўлмай туриб танг.

Нафас ололмайман, нафасим етмас,
Дунёда бир хаста тўқилганида,
Тоғу тошларгачовоз инсоннинг
Булутларнинг лоқи сўқилганида.

Неча савол бўлса, китобга қаранг,
Минг йиллар аввалдан ёзиб қўйилган.
Ер шари ҳам нафас олади аранг,
Дунё ҳавосининг бағри ўйилган.

Тонгда яхши ният билан уйғонинг,
Хаста дунёмизга сўранг минг шифо.
Тинчликка қўл қўйинг, Ватан деб ёнинг,
Энг сўнгги хасталар тузалгунча то.

Нонимизни еймиз, еймиз ошимиз,
Ҳозир дунё бемор, якка-яккамиз.
Омон бўлсин инсон, тошдан бошимиз,
Одам борки, улар ичра тиккамиз!

Азизим, одамсиз қолишдан қўрқинг...

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ

МАНБАИ

– Мана бу бино телемедицина маркази, – деди Мэлс укамиз.

– Номига қараганда...

– Ҳа. Телемедицина орқали оламнинг исталган нуқтасидаги тиббиёт маркази ёки зўр мутахассис билан бевосита боғланиб, беморга ташхис қўйиш, зарур ҳолларда маслаҳат олиш, даволаш мумкин. Бу Қорақалпоғистонда ягона марказ. Асбоб-ускуналари Америка Қўшма Штатларидан келтирилди, – дейди Мэлс. – Бу ишлар ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан бошланган. Марказ ишга тушса, беморларнинг Тошкентга бориб юришига асло ҳожат қолмайди. Энди хиёбонга марҳамат.

Мўйноқ марказида барпо қилинаётган боғ ўртасида жойлашган Адиблар хиёбони эстетик нуқтаи назардан анча пухта ўйланган. Кираверишдаги стеллага улуғ адибларнинг адабиёт ҳақидаги сўзлари ёзилган. Мана ҳазрат Алишер Навоий, Пушкин, Бердақ, Махтумқули, Абай, Ажиниёз...

Давлат Мустақиллигининг 29 йиллик қутлуғ тўйини нишонлаётган Ўзбекистонда Мўйноққа ўхшаб обод гўшага айланган ва айланаётган масканлар оз эмас, фидокорона меҳнатлар, жаннатмакон юртни яшнатиш, одамлар розилигига эришиш учун қилинаётган ишларни ҳар бир ҳудудда, ҳар бир овулда кўриш мумкин. Бунақанги бунёдкорликлар Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорида келтирилган "Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!" деган теран мазмунли шиорига бамисоли олтин узукка қўйилган гавҳар кўздек ярашиб турибди.

Байрам муборак бўлсин, бахтимизга кўз тегмасин, қадрдон юртдошлар!

Кенгесбой КАРИМОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

МУҚАДДАС БУРЧ

Барчамиз ҳам халқимизни, Президентимизни жон қадар эъзозлаймиз, Ватанимиз равнақи йўлида сабот билан меҳнат қиламиз. Шунда она юртинг меҳнатингни қадрласа, номинг олийнишон рўйхатларда қайд этилса, қалбингдан кечган қувончли туйғуларни сўз билан ифодалаш қийин экан. Устозлар ва дўстлар табриклаганда эса, уларнинг меҳри қалбда кечган туйғуларга қўшилиб, бутун борлигинг яна куч-қувватга тўлади.

Бугун халқимиз яратиш завқи билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз кун сайин гуллаб-яшнаб, саодатли масканга айланиб бормоқда. Шундай эл, шундай улуғ Ватаннинг дарду ташвишлари билан яшаш, унинг орзу-умидларини, меҳрини, яратувчанлик фазилатларини бадиий асарларингда тараннум этиш нақадар буюк бахт ва ифтихордир! Мен ўзбек тилидек гўзал тилга содиқ ёзувчи эканимдан фахрланаман.

Бизнинг улкан ва серқирра адабиётимиз каҳкашонида янги асар ёзиб, элга манзур этиш нақадар машаққатли иш эканини қўлида қалам тутганлар яхши билишади. Шундай пайтларда бизга юртимизнинг истиқлоли куч-қудрат беради, озодлик туйғуси ижодимизга руҳ бағишлайди, яна қўлда қалам тутиб, янги-янги асарлар ёзишга бел боғлаймиз. Адабиётимизни чинакам бадиий етук асарлар билан бойитиш, ёшларни Ватанга садоқат, Мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш муқаддас бурчимиздир.

Наби ЖАЛОЛИДДИН,
"Шуҳрат" медали соҳиби,
адиб

МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Инсон ҳаётида шундай кунлар бўладики, унинг қувончи бир-икки кун қалбини иситиб туради-да, кейин ўтиб кетади. Аммо унинг ҳаётида яна шундай кунлар ҳам бўладики, бу кунларнинг ҳарорати, ёғдуси ҳамиша ўзи билан бирга яшайди. Инсон ўша куннинг бор эканидан умрининг ҳар бир лаҳзасида ўзини бахтиёр ҳис қилади. Она боласи учун суюнгандек суюниб юради. Ватан мустақиллиги биз учун ана шундай улуғ неъмат. Шу боис ҳам биз Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган кун – 1 сентябрь санасини энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида тантанали нишонлаймиз.

Мана, яна ўша мақсадларимизга улканлик, қадамларимизга шаҳду шиддат бахш этаётган қутлуғ байрамдамиз. Мен озодликни қадрлайдиган барча юртдошларимизни бу қадри баланд байрам билан чин дилдан муборакбод қиламан! Ниятларимиз, ҳаракатларимиз, интилишларимиз билан ҳар биримиз том маънодаги озодлик кишиларига айланишимизни тилайман, ҳалол хизматларимиз, бутун эътиқодимиз билан бугун мустақилликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилаётган фидойилар орасида бўлишимизни орзу қиламан.

Халқимиз синовли кунларни бошидан кечираётган бир пайтда менинг ижодкор сифатидаги камтарона меҳнатимнинг ниҳоятда баланд баҳоланганидан қувондим. Шунча ташвишлар орасида бу меҳнатнинг ҳам кўздан қочирилмаганидан ҳайратландим ва бир оз хижолат ҳам бўлдим. Ҳарна бўлса-да, эътибор, айниқса, кўнгил кишиси бўлган ижодкорга бўлган эътибор унга қанот бағишлайди. Мен ҳам шу лаҳзаларда ўзимни яна кўп чиройли асарлар ёзишга қодирдек ҳис қиляпман. Меҳнаткаш, оққўнгил халқимнинг руҳини кўтарадиган, ўзининг куч-қудратини ўзига англатадиган, катта мақсадларга чоғланишга рағбат берадиган асарлар кўнглимда уйғонаётгандек.. Бугунги шиддатли ҳаётимиз, ўзимизни танитиш ва тан олдиришга бўлган қаттиқ интилишимиз шундай асарлар яратишга имкон бериши шубҳасиз. Тақдир тақозоси билан қалбдан кечираётган машаққатларимиз, йўқотишларимиз, табиий офатлар бир тарафдан умрнинг ғанимат эканлигини таъкидлайди. Шу тўлқинда юзага чиққан қадриятларимиз миллатимизнинг сифат белгиси эканлигини, уни кўз қорачиғдай авайлаб асрашимиз кераклигини уқдиради, мавзулар, қаҳрамонлар кўз олдимизда, ёнимизда... Умр вафо қилса, шундай руҳда ижод қилишга, менга ишонч билдирган инсонларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Инсоннинг исми, хизмати яхшилик билан тилга тушса, унга гард тегдирмай асраш учун аввалгидан минг карра кўпроқ масъулият билан меҳнат қилиши талаб этилади. Назаримда, Президентимиз имзоси билан мукофот олган барча юртдошларимиз қалбидан шундай туйғулар кечяпти. Миннатдорлик, ўзини қадрланганлар орасида ҳис қилиш, яшашга, яратишга иштиёқ. Бу туйғуларнинг ҳаммаси марокли, шарафли... Дунёдаги бирорта миллатнинг адабиётидан кам бўлмаган адабиётимиз заҳматкашларининг ҳаммасига шундай шарафни орзулайман!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими,
шоира

ДИЛ СЎЗИ

Мураббийлик масъулияти

Инсон ўз меҳнати, фаолияти самараларига муносиб баҳо берилса, тақдирланса, қувониши табиий. Чорак асрдан бери олий таълимда талабаларга сабоқ бераман, ёшларга бадиий ижод сирларини ўргатаман, адабиёт назарияси, адабиётшунослик методлари, замонавий адабиёт муаммоларидан маърузалар ўқийман. Уларнинг етук мутахассис, ватанпарвар, миллатпарвар, мустақил фикрлайдиган шахс бўлиб камол топишлари учун турли адабий-методик усуллар қўллайман.

Ўз соҳасида олган билимини ҳаётига татбиқ этиш, эркин ва мустақил фикр юрита билиш мутахассиснинг фазилати ҳисобланади. Дарвоқе, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида ўқиган талабалик, аспирантлик йилларимизда бизга устозларимиз шундай таълим беришди. Ўзлари билан тенг туриб фикрлашга, ҳатто баҳс-мунозара қилишга, тўғри гапни тортинмай очиқ-ойдин айтишга ўргатишди. Улар билим доирасининг кенглиги, равон нутқи, ўзларини тутишлари, ҳатто кийиниш маданияти билан ҳам биз учун ибрат эдилар. Мана шу жараёнда чин муаллим, мураббий ўз борлиғи – ички ва ташқи олами билан талабаларга намуна бўлмоғи, аввало, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим, деган фикрим қатъийлашди. Мураббийнинг аудиторияда айтган сўзи амалига мос бўлиши керак, деган жуда муҳим бир принцип ҳаёлимни эгаллаб олди.

Таълим-тарбия, устоз-шогирдлик жараёнини китоб, китоб ёзувчи, китоб ўқувчи каби ўзаро эгизак тушунчалардан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Мустақил китоб ўқий олиш – бу малака ҳам устоз, ҳам шогирд учун жуда зарур. Китоб ўқимаган устозу шогирд замондан, дунё илм-фанида юз бераётган янгиликлардан бехабар қолади. Аслида ҳар бир инсон китобни ўзига дўст тутиши шарт. Айни дамда – бадиий асарми ёки илмий-назарий, дарслик- ёки ўқув-услубий қўлланмами – қандай китоб бўлишидан қатъий назар муаллифи кимлигини билиш, бу ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиш ҳам китобхонлик маданияти доирасига киради. Китоб ўқишни ўзига касб этиб олган ўқувчи-талаба талабчан, фикрчан ва ўқиганларини ёдида сақлаб билимини ошириши ва ўзи фаолият юритаётган соҳага татбиқ эта билиши муҳим.

Муаллим-мураббий бировга ўргатиш учун ўзи ўрганган бўлсин, бировга йўл кўрсатиши учун ўзи тўғри йўлда юрган бўлсин, бировга танбеҳ беришдан олдин ўз нафсига танбеҳ берсин... Дарвоқе, ўзлигини англаган чин муаллим ҳамма замонларда ўз олдига шундай юксак талабларни қўйиши табиий. Билъакс талабаларнинг муаллимдан кўнгли совийди, ишонч йўқолади.

Муаллим, олим ва адиб — зиёлилар мамлакатнинг маънавий чироғи. Тўғриликдан, ҳаққониятдан, эзгуликдан сабоқ олган шогирдлар комил инсонлар бўлиб етишса, жамият фаровон, ҳаёт чароғон бўлади, маънавият юксалади. Демак, устознинг боғи мевага киради...

Мустақиллик байрами арафасида бир қатор ҳамкасблар қатори "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвони билан тақдирланганимдан беҳад шодман. Бу юксак эътибор зиммамга янада каттароқ масъулиятни юклайди ва айни пайтда илмий-ижодий фаолиятимни кўтаринки кайфиятда давом эттиришимда куч-қувват, рағбат бағишлайди.

Баҳодир КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ

Табаррук туйғу

Тўлан НИЗОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Бу йил она Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганига йигирма тўққиз йил тўлди. Дўппини олиб қўйиб, ўтган йўлимизга қараб ўйласам, йил сайин Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётгани, юртдошларимиз ҳаётидаги оламшумул ўзгаришлар, мамлакатда амалга оширилган бунёдкорликлар, ўзбек адибларининг янги нашр қилинган асарлари сингари кўплаб қувончли воқеалар умримизга мазмун бағишлаганига амин бўламан. Кўнглим бир туйғудан ёришади. Бу — озодлик туйғуси!

Мустақилликнинг илк йилларида Андижон шаҳри марказида бўлиб ўтган буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкалининг очилиш маросими ҳамон ёдимда. Бу қувончли воқеа нафақат вилоят, балки республика миқёсида асрий орзуларнинг ушалиши бўлган. Бугунга келиб, Тошкент шаҳрининг марказида, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталган Миллий боғда Адиблар хиёбони бунёд этилиб, адабиётимиз намояндаларига, жумладан, Бобур бобомизга ҳам ёдгорлик ўрнатилди. Тўрт-беш йил аввал бундай улкан тарихий воқеа рўй беришини ким ҳам хаёлига келтира оларди?! Улуғ адибимиз Чўлпон, маърифатпарвар боболаримиз Беҳбудий, Авлоний сиймоларининг кўз олдимизда тургани қандай яхши. Адиблар хиёбонидан таралган маънавият нурлари юртимизнинг чекка қишлоқларгача бориб етаётганига ишончим комил. Бу боболаримиз мана шу, бугун биз тантана қилаётган озодлик туйғуси учун курашган эдилар.

Мен пойтахтдан олисда, ўзим туғилиб ўсган қишлоқда яшаб, ижод қиламан. Туманимиз аввал Бўз эди, ўтган йили Бўстон деб қайта номланди. Ҳақиқатан, бўстонга айланиб бораётган туманимизда катта йўллар таъмирланиб, саноат корхоналари қурилди, одамлар иш билан таъминланмоқда. Ҳатто ўтган асрнинг эллигинчи йилларида ташкил топган туманимиз тарихига бағишланган музей ҳам очилди. Албатта, бу ўзгаришлар ҳамюртларимиз ҳаётига ўзгача руҳ бағишлади. Деҳқончилик соҳасидаги ислоҳотлар туфайли фермерлар қалбида қувонч, юзларида кулги сезилиб қолди. Бу миннатдорлик, эркинлик туйғусининг ифодасидир.

Қишлоқда яшасам-да, юртимизда рўй бераётган янгиланишлардан мунтазам хабардорман, ҳатто Хива ёки Қаршида бунёд этилган оламшумул қурилишлардан илҳомланаман. Ўзбекистонни бутунича ҳис этаман, чунки Қорақалпоғистоннинг Мўйноғигача, Сурхондарёнинг Сариосиёсигача менга таниш, қадрдон, уларни кўз олдимга келтираман, ахир юртимизнинг барча туманларида бўлганман, аксарият жойларда дўстларим, шогирдларим яшайди.

Куни кеча Мўйноқ аэропорти реконструкциядан чиққани, катта самолётларни ҳам қабул қиладиган даражада таъмирлангани ҳақида ўқиб, хурсанд бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлган қадимий Орол денгизи ўрнида ва унинг атрофида бажарилган ободонлаштириш ишлари, туризмни ривожлантириш борасидаги ҳаракатларни кузатиб боряпман. Ўша ерларда ташаббус кўрсатиб ишлаётган ёшлар, мўйноқликлар жасорати ҳақида янги асарлар ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас. Мамлакатимизда янги темир йўллар қурилиши соҳасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги достонларим шу тариқа ёзилган эди.

Бугун биз ижодкорларни қўлга қалам олишга руҳлантирадиган кенг қамровли қурилишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги ўзгаришлар – янги мавзелар, метро қурилиши, осмонўпар кўприклар солингани ҳақида тўлиб-тошиб ёзгинг келади. Замонамиз қаҳрамонлари ўша улкан бунёдкорликлар амалга оширилаётган жабҳаларда ўз ишлари билан банд, деб ўйлайман. Улар кўксига муштлаб ҳамманинг олдига чиқадиган одамлар эмас, аммо юртнинг гуллаб-яшнаши йўлида белларини маҳкам боғлаб заҳмат чекадилар. Уларни излаб топиш, қувонч ва ташвишларидан бохабар бўлиш бизнинг вазифамиздир. Замонамиз қаҳрамонларининг қаддини баланд кўтарган ҳам, ишларига самара, барака берган ҳам озодлик, мустақиллик туйғусидир.

Биз ижодкорларнинг қалбига қувонч бағишлаган яна бир катта воқеа – бу китобхонликка қайтиш бўлди. Китобхонлик маданиятини эгалламаган халқнинг мустақиллигини, фаровонлигини тасаввур этиб бўлмайди. Пойтахтдан чекка туманларга юборилган китоб карвонлари қанча-канча кўнгилларни ёритгандир. Бу нур ҳам мустақиллик, маърифат ёғдусидир.

Мустақиллик – ўзлик, миллат келажаги учун курашдир. Улкан қурилишлардаги ғалабаларимиз билан бирга инсон онги, қалби учун курашларда ҳам зафар сари бошлаш барча ижодкорлар, айниқса, ёзувчи ва шоирлар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар олдинги сафларда бўлиши лозим.

Ҳар бир юртдошимиз озодлик, тенглик, ўз йўлини мустақил танлаш ҳуқуқини англаши керак экан, адибларимиз ўз ибрати, билими, ёзган асарлари билан йўл очишлари лозим.

Юртимизда, юртдошларимиз онгида кечаётган ўзгаришлар жараёни тин билмайди, бу жараёнда камол топаётган ёшлар қалбида озодлик аталмиш табаррук туйғу билан улғайишларини тилайман.

АКС САДО

ОДАМЛАР ЁДЛАБ ОЛАДИ

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, "Бу оламдир меҳру шафқат олами" "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2020 йил 21 август

Давлатимиз раҳбари шу йил 20 май куни Адиблар хиёбони мажмуасининг очилиши маросимида бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан учрашиб, адабиётнинг халқимиз ҳаётидаги ўрнини таърифлаб, шоир ва ёзувчиларимиз зиммасидаги бугунги масъулиятли вазифалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб, шундай деган эди:

"Мана, "замонамиз қаҳрамонлари", деб кўп гапирамиз. Бугун бу қаҳрамонлар коронавирусга қарши курашаётган фидойи шифокорларимиз, мард ҳарбийларимиз, саховатли тадбиркорларимиз, ватанпарвар ёшларимиз, уларнинг жасорати ҳақида ўқишни ҳаммамиз хоҳлаймиз".

Президентимизнинг ўша даъватларига жавобан ўтган ҳафта "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид томонидан битилган "Бу оламдир меҳру шафқат олами" номли шеърлар туркумини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. "Адиб ва жамият" рукнида берилган ушбу шеърлар ижодкорнинг бедор ва беҳаловат юрагини, фаол фуқаролик позициясини, коронавирус балосига қарши матонат билан курашаётган замонамиз қаҳрамонларига камарбасталигини намоён этиб турибди.

Албатта, асарнинг ҳақиқий умри йиллар синовидан ўтгандан кейин белгиланади. Уни бир неча авлод вакиллари ўқийди. Замон руҳи, халқ ҳаёти, инсон тақдирини акс эттирган бадиий асарлар қанча вақт ўтса ҳам ҳеч қачон эскирмайди.

Яқинда қўлёзмаларим ичидан "Одам нега шеър ёзади?", "Одамлар нима учун шеър ўқийди?", "Одамларга шеър нима учун керак?" деган учта муҳим саволга улуғ устозимиз Абдулла Орипов жавоб ёзган бир варақни топиб олдим. Бу жавобларда шоирнинг бошқа одамлар қалбидаги туйғуларни уйғотувчи бедор юраги, бадиий асарнинг ижтимоий аҳамияти, адиб ва жамият ҳақидаги фикрларга асосий эътибор қаратилган экан. Ана шу жавоблардан бирида шундай сўзлар бор:

"Шоирнинг ички мусиқий оҳанг ва юксак руҳ билан йўғрилган бадиий сўзи оддий сўзлар билан ёзилган бир неча жилд китобдан кўра кўпроқ ва кучлироқ фикрларни ифодалай олади ҳамда минглаб юракларни ларзага солади. Халқнинг қўзғолган қалби — ниҳоятда мислсиз қудратдир".

Ҳа, "Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз, Ҳайҳот, қўзғолмасин бу қалб дафъатан" деган шеърида устоз ана шу зўр қудратни назарда тутганини англадим.

Бугун бутун дунё синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Тарихда ҳаётнинг жуда кўп синовларини бошидан кечирган халқимиз сабр-тоқат ва матонат билан юксак маънавиятини намоён этмоқда. Қурувчилар бинолар қуриб, шаҳар барпо этаяпти. Деҳқонлар далаларда ҳосил етиштираяпти. Шоирлар-чи? Улар жамият, одамлар учун айнан ҳозир ниҳоятда зарур бўлган сўзларни айтаяпти, мухлислар қалбини тўлқинлантирадиган шеърлар ёзаяпти.

Сирожиддин Саййиднинг шеърлар туркумини ўқиганимда ҳаёлимдан ана шундай фикрлар кечди. Уларда бугунги ҳаётимиз, замондошларимиз руҳиятида кечаётган туйғулар ифодаланган. Айниқса, олам ва одам ҳақидаги бадиий-фалсафий мушоҳадалар ўқувчини ўйлантиради. "Инсонийлик ёрдами" сарлавҳали шеъридаги:

Бу оламдир — одамийлик олами,
Бу оламдир — меҳру шафқат олами.
Бир миллатнинг бошига иш тушганда,
Ёз палласи ногаҳон қиш тушгандай —
Оғир юмуш, қийин ташвиш тушганда,
Бир удум бор — азалий ва қадимий,
Бир удум бор — инсонийлик удуми,
Етиб келар инсонийлик ёрдами.

Ушбу сатрларни ўқиганимда шоирнинг одамларга меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги уфуриб турган шеърлари ҳам айни кунда одамларга инсонийлик ёрдамидир, деган фикр хаёлимдан ўтди. Даҳшатли балою офат олам аҳли ҳаётига хавф солиб турганда одамлар, давлатлар бир-бирига кўмаклашиши керак, оламни офатдан саховатпеша, фидойи ва мард одамлар қуткаради, меҳру шафқат, одамийлик қадрияти халос этади, деган фикр шеър руҳига сингдириб юборилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатининг ташкил этилгани жамиятни пандемия тўфонидан қутқариб қолишнинг чораси экани жонли мисоллар билан тасвирланган.

"Соғлик ва озодлик" номли шеърда "соғлик" деган сўзнинг янги рамзий маънолари, жонли тимсоллари яратилган.

Соғлик — озодликдир.
Озод миллатнинг
Бардам туғилажак зурёди — соғлик.
Минг асрлик давлат, куч ва қудратнинг
Бир юз ўттиз йилда барбоди — соғлик.

Одамзот ўзи шундай, ҳаётдаги бир нарсанинг қадрига уни йўқотгандан кейин етади. Бутун дунё кўринмас балою қазога қарши курашаётган бугунги кунда соғликнинг қадри нақадар билинди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов "Тансоғлик ҳам хотиндай Қарамасанг, кетади" деб ҳазил-мутойиба оҳангида ёзган шеърида аччиқ ҳақиқат бор. "Соғлик — озодлик" шеърида эса ушбу тушунчанинг моҳияти янада теран очилган. Соғлик — фарзанд демак, мустабид тузумнинг оммавий қатағонидан миллат қўксида қолган жароҳат — соғлик, уруш йилларида шаҳид кетган ботирларнинг бева хотинлари, етим болалари кўзидаги изтироб, қалбидаги ғам-алам — соғлик, заҳар сепилган пахта далаларида умрлари хазон бўлган ўсмирлар, хотин-қизларнинг қуйган ҳаёти — соғлик... Шу тарзда гапнинг равиши, мазмун-мундарижаси тан соғликдан маънавий-руҳий соғломликка, соғлом ижтимоий муҳитга, жамият соғлигига қараб кенгайиб кетаверади. Соғлом жамиятни вужуди, руҳи, номуси, ори, эътиқоди, дунёқараши, маънавияти соғлом ва бақувват ёшлар қуради. Бунинг учун бугун жамиятимизни, барча юртдошларимиз соғлигини асрашга асосий эътибор қаратилиб, соғлом ижтимоий муҳит яратилмоқда.

Фарзандларга боқиб замон Меъмори,
Ҳар дилбанд бўлсин дер замон бедори.
То соғлом ўссин деб номус ва ори —
Тинч элнинг бунёду ободи — соғлик.

"Нусрат дўхтир", "Covid-19" сабоқлари", "Жаҳлга эрк берманг, одамлар", "Ҳасад аҳли", "Биринчи ҳамла. Биринчи зарба", "Италия дўхтирлари", "Умумбашарий. Умуммиллий" каби шеърлар ҳам мазмунан "Соғлик — озодлик" шеърига ҳамоҳанг. Уларда бугунги дунёнинг дарду андуҳлари, гуноҳларию тавбалари изтиробли ва таъсирчан руҳда очиб берилган. Фикр, мавзу доираси, туйғу ва хаёлнинг кенглиги оламшумул миқёсга эга. Мухтасар айтганда, бу шеърларни башариятнинг ниҳоятда қайғули қўшиғи, бани одамзотнинг фарёди, дейиш мумкин. Гўё ер сайёраси бўйлаб учаётган оққушнинг сўнги оҳу ноласидек юракларни тешиб юборадиган даражада бўзлайди. Ва бу фарёд замондошларимизни огоҳ бўлишга, бир ёқадан бош чиқариб ақл, билим, фаросат, нозик дид ва фидойилик билан кўринмас ёвга қарши курашишга ундайди.

Бу балони Ўзинг биздан даф қил дебон,
Ўзинг гумроҳ бандаларинг афв қил дебон,
Куймасин деб хонумони, уй-капаси —
Тонгга қадар йиғлаб чиқди Рим Папаси.
Бунга боқиб сен ҳам бағринг тиғлайдурсан,
Одам бўлсанг —
йиғлайдурсан, йиғлайдурсан.

Ушбу сатрларда тасвирланган қайғули воқеадан таъсирланасиз, юрагингизда шеърнинг қаҳрамони бўлган италиялик дўхтирларга ҳамдардлик туйғусини ҳис этасиз. Фақат италиялик дўхтирларнинг эмас, бутун жаҳон аҳлининг дардини, фожиасини юрак-юракдан ҳис этган одам, шоир айтганидек, нафақат йиғлайди, йиғлагандан баттар бўлади, даҳшатга тушади, кўринмас алангада ёнаётган одамларни тасаввур қилиб қўрқиб кетади. Бу туйғу юрагида кечган, бу ҳолатнинг нима экани онгу шуурига етиб борган одам огоҳ бўлади, ўзини, оиласини, миллатни асрашга уннайди. Юқорида устоз Абдулла Орипов таъкидлаган шеъриятнинг одамларга таъсири, жамиятга таъсир қилган ижтимоий аҳамияти шу эмасми?

"Эваз" сарлавҳали шеър "Бу оламдир меҳру шафқат олами" туркумининг юрагидир. Унда шоирнинг тақдири, шеърнинг яратилиш жараёни, ижод, умуман, адабиётнинг моҳияти жонли тимсоллар воситасида тасвирланган. Шоирлар қандай яшайди, уларнинг ҳаёти нимадан иборат, ижодкор қисмати, таржимаи ҳоли қандай? Чинакам бадиий асар ниманинг эвазига дунёга келади? "Эваз" шеъри шу саволларнинг барчасига жавоб беради.

Ёқамни қўйвор шеър,
Ёқамни қўйвор!..
Сени қони билан
бокканни қўйвор,
Дилу жони билан
бокканни қўйвор,

Шоир чеккан азоб, дарднинг эвазига шеър туғилади. Алишер Навоий ҳазратлари "Меҳр кўп кўргуздим…", "Жон басе қилдим фидо…" деганларидек элга ғамхўрлик қилиш, одамларга меҳрибон бўлиш, миллат дарди ва ғами билан яшаш ва қайғуриш эвазига шеър бино бўлади. Шеър деганда шоир ана шу ҳодисани назарда тутмоқда. Бунда "шеър" образга, метафорага айланган. Шеър, бу – руҳ. Уни шоир жони, қони, дили, кўнгли билан боқади. Шеър шоирнинг жондан ҳам азиз нарсалари, жондан ҳам азиз кимсаларининг соғинчи, дарди, изтироби билан озиқланади ва жонли руҳга айланиб, умрбоқий яшайди.

Сени суғордим мен
бардошлари билан,
Онамнинг кўз нури,
кўзёшлари билан,
Сенга зиё бердим,
нур бердим сенга
Онамнинг оқарган
сочлари билан.

Шоир нафақат ўзининг жисмидан, балки онасининг кўзёшлари, сабру бардошларидан куч-қудрат олиб яшайди. Шоирнинг қисмати шундай. Ўзини, бутун ҳаётини, қони, жонини ижодга қурбон қилиши эвазига шеър туғилади. "Бетлардаги ариқлар", "Тўксон йиллик ажриқлар", "Ғўзабарғдай дил титроқлари", "Ғўзапоя янглиғ қўл, бармоқлари" каби образлар кекса онанинг нурли ва мунис сиймосини чизган, айни пайтда шоирнинг меҳр-муҳаббати бирла соғинч-изтиробини ифодалаган.

Ёқамни қўйвор шеър,
Ёқамни қўйвор!..
Мана, бир жизғанак
юрак сенга,
Қовурилган, совурилган
юрак сенга.
Яна нима керак сенга!
Яна нима керак сенга!..

"Жизғанак юрак", "Қовурилган, совурилган юрак" – шоирнинг юраги.

Халқимизнинг юрагида азалдан мавжуд бўлган, миллий қадриятга айланган фазилат бугун умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Одамнинг, оламнинг бошига синовли кунлар тушганда кўрсатилган меҳр-шафқат, саховат ва кўмак ҳеч қачон унутилмайди. Миллатнинг, шу билан бирга, олам аҳлининг ҳаётини сақлаб қолиш учун чин юракдан куйиниб ёзилган, минглаб қалбларни ларзага солган шеърлар, албатта, одамлар хотирасига муҳрланиб қолади.

Йўловчи сув излаб булоқни топар,
Зулматда нур излаб чироқни топар.
Қамондан чиққан ўқ топар нишонни,
Юракдан чиққан сўз юракни топар.

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ХАЛҚАРО АНЖУМАН АРАФАСИДА

Мақомнинг сеҳру жозибаси

Маълумки, 2018 йилнинг сентябрь ойида Шаҳрисабз шаҳрида биринчи марта Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилди. Мақом санъатини халқаро миқёсга олиб чиқиш, унинг мўъжизакор сирли дунёсини жаҳон аҳлига намойиш этиш ҳамда дунёнинг номдор санъаткорларини юртимизга чорлаб, қадим санъат намуналарини кенг тарғиб қилиш гояси муваффақиятли амалга оширилди.

Бундай нуфузли анжуманнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илк бор таъсис этилгани ва давлат томонидан ўтказилгани тарихий воқеа бўлди. Биринчи марта ўтказилган ушбу санъат байрамига дунёнинг 73 давлатидан 300га яқин иштирокчи ва меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида машҳур мақом санъати хонанда ва созандалари, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар, бутун жаҳон мусиқа оламининг фестиваллар ўтказиш ташкилотлари раҳбарлари, туризм орқали ташриф буюрган мумтоз мусиқа ихлосмандлари бор эди.

Кўҳна ва навқирон Шаҳрисабзнинг бетакрор кўрки, табиати, халқимизнинг меҳмондўстлиги анжуман қатнашчиларида илиқ таассурот қолдиргани эътироф этилди.

Анжуман давомида "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Иштирокчилар нафақат Шарқ халқларининг хуш наволаридан баҳраманд бўлдилар, балки санъатшунослар мақомнинг умумбашарий назарий ва амалий муаммоларини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш учун яна бир ижодий мулоқотга эга бўлдилар.

Илмий-амалий конференцияда йигирма бир давлатдан йигирма тўрт нафар мусиқашунос олим қатнашди. Мақом санъати муаммоларига бағишланган баҳсу мунозаралар кўплаб масалаларга ойдинлик киритди. Тадқиқотчиларнинг мақом санъати борасида олиб борган илмий изланишларидаги янгиликлар эълон қилинди. Пировардида, муҳим бир мавзуга олимларнинг эътибори қаратилгани маърузаларда ўз ифодасини топди. Яъни Шарқ халқлари мақомоти амалиётининг асосий масалаларидан бўлган парда тизимига доир мавзу қизғин муҳокама қилинди. Бу тизим, албатта, мақомларнинг асл ҳолича ижро этилишида асосий омил ҳисобланади. Энг муҳими, ҳар бир миллатнинг мақом санъатини тўла намойён этадиган, ўзига хос оҳангларини мукаммал ифодалашда асос бўладиган миллий товуш тараннуми мезонларига жиддий эътибор қаратилди.

Мана, орадан икки йил ўтди, лекин мақом санъати юртимизга қайта кириб келгандай ўзини янгидан намоён этди. Ҳар бир вилоятда мақом ансамбллари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Мақом санъати ривожи билан боғлиқ таълим, амалиёт ва илмий мезонлар қайта жонланди ва самарасини кўрсата бошлади.

Мақом санъатининг илмий асосларини ўрганиш, унинг азалий ва замонавий намуналаридан жаҳон халқларини баҳраманд этиш, Шарқ халқлари гўзал анъаналари ва моҳир мақом санъати намояндалари ижодини янада чуқурроқ ўрганиб, тарғиб этиш мақсадида Президентимиз томонидан "II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиш имзоланди. Бу мақом устозлари, ижрочилари, ушбу нодир санъатнинг ривожида фаолият олиб бораётган ҳар бир кишига ғурур ҳамда илҳом бағишлади, ижодий фаолиятга янада масъулият билан ёндашишга чорлади.

Айни пайтда тадбирга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бунга мамлакатимизнинг барча вилоятларидан мутахассислар жалб этилиб, ҳар бир ҳудуд вакиллари ўзларининг ўзига хос локал услубларини санъатнинг ҳамма соҳаларида намойиш этиш учун муҳокамага тавсия қиляпти. Айниқса, икки йил давомида мақом намуналарини муайян даражада ўзлаштирган вилоятлардаги намунавий мақом ансамблларида мақом санъатининг сирли дунёсини ўзига хос талқинларда жаҳонга тараннум этиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Хусусан, иккинчи Халқаро мақом санъати анжуманига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш учун республика ва жаҳон миқёсида ном қозонган мақомшунос олимлар ва мақом ижрочиларини жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. республикамиз ҳудудларида мақом ансамбларининг концерт дастурларини, ёш ижрочилар ўртасида "Ёш мақом ижрочиси", бастакорлар ўртасида "Мақом йўлида яратилган энг яхши асар" номинациялари бўйича республика танловларини ташкил этиш ҳамда таниқли мақомшунос олимлар, тажрибали мақом ижрочилари иштирокида ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ушбу санъат байрамида республиканинг ҳар бир вилоятидан ташриф буюрган вакиллар ўз ҳудудлари тарихи ва маданияти билан боғлиқ жиҳатларни алоҳида тараннум этишади. Оқсарой атрофидаги майдонлар ҳудудлар кесимида тақсимланиб, миллий анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи сценарий ва дастурлар лавҳалари устида иш олиб борилмоқда. Саҳна декорациясини ташкил этиш ва майдонни ободонлаштириш ишлари авжида.

Анжуман доирасида уюштириладиган "Мақом санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусига бағишланган илмий конференцияга хорижлик ҳамда маҳаллий мусиқашунос олимларни, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар, фахрий меҳмонларни жалб этиш яхши самара беришига умид боғланмоқда. Айни пайтда Озарбойжон, Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Эрон, АҚШ, Ирок, Фаластин, Иордания, Малайзия, Покистон, Қувайт, Хитой, Арманистон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан мусиқашунос олимлар ва ижодий гуруҳлар анжуманда иштирок этиш истагини билдирган ва улар билан мулоқот олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мақом ижрочилари, тадқиқотчилари ҳам бу тадбирни интизорлик билан кутишмоқда. Қолаверса, юртимизда мақом санъатига қаратилган юксак эътибор туфайли мақом ижрочилиги анча тиқланди. Ёшлар орасида мақом ижрочилиги маҳоратини эгаллашга интилаётган иқтидор эгалари кўпая бошлади. Шу боис, бу йилги анжуманда Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўналишлари бўйича ёш ижрочиларимиз ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилади. Ўзбек мақом санъатининг ҳар бир локал намуналари ижрочиларидан номзодлар танловга қатнашиш учун саралаб олинади. Хуллас, мазкур жараёнга қизғин тайёргарлик давом этмоқда. Айниқса, икки йил давомида мақом намуналарини муайян даражада ўзлаштирган вилоятлардаги намунавий мақом ансамблларида ва созандалари мақом санъатининг сирли дунёсини ўзига хос талқинларда тараннум этиш ниятида анжуманга жиддий умид боғлаганлар.

Мақомларни мукаммал ва гўзал ижроларда тингловчисига етказиш, аввало, мақом санъати устозлари фаолиятининг туб мақсади ҳисобланади. Айни пайтда мақом устозлари, ёш мақом ижрочилари катта ниятлар билан ушбу анжуманни ўзига хос, янгича руҳда ўтказиш иштиёқидалар. Мақом санъатининг бетакрор сирли дунёсини яна бир бор дунёга тараннум этиш борасида изланишлар олиб бормоқдалар. Дарҳақиқат, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларга қувонч, эзгулик улашиш олийҳиммат юртга хос хислатдир.

Соибжон БЕГМАТОВ,
Ўзбек Миллий мақом санъати маркази бош директори

ДИЛЛАРДА – РИЗОЛИК, ТИЛЛАРДА – ШУКРОНА



Қушнинг қанчалик машаққат билан хору хас тергилаб "уй қуриши"ни кўрганмиз. Булбул ҳам митти жуссаси билан ўзига ин-уй қуради. Кейин ўз жонини хатарга қўйиб, баланд-баланд сайрайди, тиним билмай сайрайди. Ҳар гал булбул хас йиғиб келганидай, мен ҳам ҳар ойлик маошимдан ҳечқурса бир миллиондан йиғиб борсам, уйли бўлармиканман, деб ўйлаганман. Кейин янги қурилган замонавий бир уй ёнидан ўтаётиб, "Отдель продажа"сига телефон қилганман. Квартиранинг нархини билгач, "Демак, бир миллиондан йиғиб борсам, яна ўртача 200 йил яшашим керак экан!" деб ўйлаганим ҳам эсимда.

Келинингиз билан азим пойтахтимизнинг қай бир туманига йўлимиз тушмасин, албатта, бирор уйни таниб қоламан ва:

– Хотин, мана бу уйнинг фалончи қаватида Шоҳрух (ё Ўктам, ё Мухтор, ё Содиқ) курсдошим билан бирга ижарада турганмиз, – дейман.

Эски шаҳардаги ҳовлилар орасидан ҳам таниш дарвозалар учраб қолади.

– Мана, хотин, – дейман қўлим билан кўрсатиб, – ҳўв анови ёғоч дарча бор-ку, кўряпсанми, ана шу ерда Равшан, Шавкат ва Абдуқодир учаламиз турганмиз.

Ҳатто оилавий ётоқхона ёнидан ўтаётиб ҳам икки ойми-уч ой яшаган хонам деразасига тикилиб қарайман.

– Анови хонада бир ўзим турганман, фалон шеърим шу ерда ёзилган...

Охири аёлим қулади-да:

– Ўзи ижарада турмаган жойингиз қолганми Тошкентда? – дейди.

Куламан.

Лекин ичимдан бир нима "шиғ" этиб ўтиб кетади.

Агарчи ҳозир кулиб эслайман, аммо ижара уйларнинг топилиш азоби, қўлдан чиқариш азоби, кўчиш машаққатлари, ҳар ой топган-тутганни уй эгасига бағишлаб юборишу унинг қош-қовоғига қараш изтироблари... эсимга тушиб, безовта қилади.

Шукрки, бу заҳматлар ортда қолди. Хабарингиз бор, Президентимизнинг "2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Уюшма аъзолари учун Тошкент шаҳрида имтиёзли ипотека кредити асосида 110 та квартирали уй-жой қуриш ишлари бошланган эди. Бундан ташқари, янги қарор орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ҳокимликларига 2018-2021 йилларда ҳудудларда яшаб фаол ижод қилаётган, уй-жойга муҳтож Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жойлар ажратиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиш белгиланганди.

Ана шундай уйлардан бири бизнинг кичик оиламизга ҳам насиб қилди.

Бу хабарни эшитган куним кўз олдимдан нималар ўтганини, хаёлимдан не гаплар кечганини бус-бутун тасвирлаб беролмайман. Ўз онамни ижарахонамда меҳмон қилолмай кузатганларим, отамнинг узоқ йўлдан келиб, бир кеча тунамай шунча йўлга қайтиб кетганлари... Ҳаммаси кўз олдимдан ўтди. Ёзаверардим-ку, ҳасратларим кўнглингизни бузмасин дейман.

Мен қатори бир қатор ёшлар ҳам Уюшма аъзолари ўлароқ, мамлакатимиз раҳбарининг қарори билан бошланган хайрли ишларнинг сурурбахш ҳавосидан нафас ола бошладилар. Дилларида ризолик бор, тилларида – шукрона.

Дарвоқе, уя солгач, моласини тухум бошида қолдирган нар булбул баланд ва кўп сайрашини юқорида келтирдим. Ватанли бўлган ижодкорларнинг ҳам энди сайрашида, албатта, ўзгариш бўлади. Энди ижодкорларнинг овози янада юксак янграса, ажаб эмас.

Мансур ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ – ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

МИЛЛАТ ДАРДИ БИЛАН ЯШАГАН СИЙМО

Йигирманчи асрдаги тарихимизда фожиали саҳифалар кам эмас. Ўша даврларда юз берган оммавий қатағонлар миллатимизнинг минг-минглаб тараққийпарвар ва илғор зиёлилари бошига етганини бугун яхши биламиз. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида унинг номи эл тилидан тушмасди, талайгина таниқли ижодкорлар унга атаб шеърлар бағишлашган. Халқ оғзида унга аталган шеърлар қўшиқ бўлиб янграган. Унинг мардлиги, тўғрисўзлиги, миллат дарди билан яшаши эл орасида машҳур эди.

Бу сиймо атоқли жамоат ва санъат арбоби Низомиддин Хўжаевдир.

Низомиддин Хўжаев 1886 йили Тошкент шаҳрида косиб оиласида дунёга келди. У эски усулдаги ва рус-тузем мактабларида ўқиган, меҳнат фаолиятини 1901 йили Тошкентдаги В.И.Ильин босмахонасида оддий ҳарф терувчиликдан бошлаган. Босмахонада рус социал-демократлари таъсирида фирқага аъзо бўлган. Матбаада ишлаш билан кифояланмай, ўз даврининг илғор кишилари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев, Тавалло, Абдуҳаким Саримсоқов, Муҳаммад Пошохўжаев, Илҳомжон Иноъомжонов, ака-ука Комил ва Карим Норбек ўғиллари сингари илғор зиёлилар билан дўстона алоқада бўлиб, уларни миллатнинг шон-шуҳратини кўтариш, қолаверса, буюк миллий ҳурриятга тайёрлаш ишига бош қўшди.

1909 йили ташкил этилган хорижга талабалар юбориш, етим-есир, ногиронларга ёрдам кўрсатиш, эл-юрт орасида илм-маърифат тарқатиш, кутубхона ва ўрта, олий ўқув муассасаларини очишни мақсад қилган "Жамияти имдодия" (хайрия жамияти)нинг фаол аъзоларидан бирига айланади. Шу йили маслакдошлари билан бирга "Туркистон" нашриётини ташкил этади. Лекин унинг назарида ўз халқини катта маърифатга йўлловчи бошқа бир ташкилот зарур эди. Ана шу зарурият маслакдошларни "Турон" санойи нафиса иттифоқи"ни тузишга даъват этди.

Низомиддин Хўжаев ҳеч иккиланмай дўстлари Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммад Пошшахўжаев билан ҳамкорликда ушбу ташкилотнинг муассисларидан бирига айланди. Бу ҳолат чор ҳукуматининг "Турон" иттифоқига 1914 ва 1916 йилларда берилган ҳужжатларида расмийлаштириб қўйилган.

Низомиддин Хўжаев "Турон" иттифоқи(жамияти)дагина эмас, балки шу номли театр труппасининг етакчи аъзоларидан, ташкилотчи ва биринчи режиссёри ҳам ҳисобланарди. У 1913–1914 йилларда расмий саҳналаштирилган ва оммага кўрсатилган "Ватан қаҳрамонлари" ва "Падаркуш" драмаларини саҳналаштиришда фаол иштирок этган. "Падаркуш" спектаклида зиёли ролини ўйнаган. 1916 йилда атоқли озарбойжон адиби ва "Мулла Насриддин" ҳажвий журналининг нашр ва муҳаррири Жалил Маммадқулизода билан дўстона алоқада бўлиб, муаллифнинг назорати остида унинг "Ўлуклар" асарини саҳналаштиради ва Колизей биносида намойиш этишга эришади. Шу йили декабрь ойида атоқли озарбойжон санъаткори Сиддиқ Руҳулло билан ҳамкорликда У.Ҳожибековнинг "Лайли ва Мажнун" мусиқали асарини саҳналаштириб, ўзи етакчи роллардан бирини ижро этади. 1916–1918 йилларда Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи", "Заҳарли ҳаёт" асарларини саҳнага қўйиб "Турон" труппасининг бош режиссёри вазифасини бажарган.

Низомиддин Хўжаев. 1930 йиллар.

Низомиддин Хўжаев биринчи миллий труппанинг ижодий шаклланишига ҳисса қўшибгина қолмай, "Садойи Туркистон" газетасининг ташкил этилишига ва тарқатилишига ҳам катта ҳисса қўшган. У газетанинг ҳаёт аъзоларидан бири эди.

Атоқли жамоат арбоби 1917 йилнинг иккинчи ярмидан эътиборан сиёсий ишларга бош қўшиб, турли тадбирларда иштирок этади. Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Абдулла Авлоний билан биргаликда Озарбойжондан келган Муҳаммадамин Афандизода раҳбарлигида "Турк адам марказият" фирқасини ташкил қилади ва бир неча ой фирқа раисининг ўринбосари вазифасини бажаради.

Н.Хўжаев 1917 йил ноябрь ойида Қўқонга бориб, Мухторият ишларида иштирок этади ва мухториятни қўллаб-қувватлайди.

1918 йил охирида Тошкент шаҳар Советига сайланди ва шаҳар фирқа котиби вазифасини бажаришга киришади. 1919 йил январь ойидаги Осипов қўзғалони даврида инқилобчи сифатида ўлимга маҳкум қилинади, аммо бахтли тасодиф туфайли тирик қолиб, аксилинқилобни бостиришда фаоллик кўрсатди. 1919 йили ўтган Советлар съездида Тошкент шаҳар ижроқўми раиси сифатида қатнашди. Казаков, Успенский каби миллий такаббурлик касалига мубтало бўлган коммунистларнинг чиқишларига зарба бериб, Туркистон халқининг миллий манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилади. Айрим большевикларнинг мустамлакачилик кайфиятига қарши ўлароқ, "Мени қул қилмоқчи бўлганлар билиб қўйсин, мен қул эмасман", деб дадил фикр билдирди.

Низомиддин Хўжаев ниҳоятда довюрак ва фикрчан, узоқни кўра биладиган инсон бўлган. Шу йили Туркистон ўлка қўмитаси томонидан "Фарғонадаги барча партия қўмиталарини назорат қилиш ҳуқуқига эга", деган ваколат билан Фарғона вилоят 1-инқилобий қўмита вакили этиб тайинланади. Айнан унинг саъй-ҳаракати туфайли Мадаминбек билан икки ўртада келишув битими имзоланади.

Низомиддин Хўжаев Туркистон марказий ижроия қўмитаси президиуми аъзоси сифатида РКП(б) олиб бораётган сиёсат билан келишмайди ва Т.Рисқулов, С.Турсунхўжаев ҳамда бошқалар билан бирга норозилик тариқасида истеъфо беради. У Туркистон ўлка фирқа қўмитаси олиб бораётган буюк давлатчилик сиёсати билан чиқишмайди, шу боис бу сиёсатни тўғри йўлга солиш мақсадида 1920 йили Т.Рисқулов (раҳбар), С.Турсунхўжаев, М.Абдурашидхонов ва бошқалар билан бирга Москвада Ленин ҳузурида бўлиб, Туркистон Республикаси ва Туркистон компартияси алоҳида бўлиши кераклиги ҳақидаги масалани ўртага қўяди. Аммо Ленин Турккомиссиянинг талабларини қабул қилмади. Н.Хўжаев Москвадан қайтиб келгач, Тошкентдаги "Роҳат боғча"да ўтказилган махфий йиғилишда Ленининг фикрларини очиқ баён қилиб: "Масковга бориб автономия сўраган эдик. Бизга икки ғилдираги йўқ автомобиль бердилар" деган.

Бокуда 1920 йил 1 — 10 сентябрда ўтган Шарқ халқлари қурултойида Н.Хўжаев Туркистон вакили сифатида қатнашди. Съездда Зиновьев раҳбарлигидаги Москва большевикларининг найрангларини кўриб фирқанинг сиёсатидан кўнгли совийди...

Партиявий ишларнинг оқибатини кўрган Низомиддин Хўжаев Ўрта Осиё давлат университетининг иқтисодиёт бўлимига ўқишга киради. Бу орада сиёсат майдонига "Иноғомовчилик" масаласи чиққанда, 1926 йилда САГУда ўтган йиғилишда Раҳим Иноғомов платформасини ёқлаб чиқади.

1931 йили САГУни битиргач, Ўзбекистон Республикаси Давлат план президиумининг ва 1932 йили Фан қўмитаси аъзоси сифатида фаолият олиб боради. 1932–1935 йилларда Республика осори атиқалар ва санъатни сақлаш Қўмитасининг раиси сифатида ишлайди. Аммо унинг миллий қарашлари кимларгадир маъқул келмагани боис 1934 йили ўтказилган фирқа тозалаш кампанияси пайтида, аниқроғи, 19 сентябрда ўтган мажлисда кўпгина ноҳақ айбдорлар қатори Н.Хўжаевга Темур даври ёдгорликларини асрашга ҳаракат қилган, деган айб қўйилиб, 25 декабрда фирқадан ўчирилади ва ишдан олинади. Шу йили Ж.Обидова номидаги артелга раис ўринбосари вазифасига ўтказилади. Собиқ советлар ҳукумати миллат зиёлисига бу жазони бериш билан кифояланмаган. Низомиддин Хўжаев 1936 йил 15 мартда ҳибсга олиниб, уч йилга сургун қилинган, аммо сургун муддати тугамай, 1938 йил 27 октябрда такроран суд қилиниб, 1939 йил 26 майда 4 йилга ҳукм қилинган. Атоқли давлат арбоби Низомиддин Хўжаев 1942 йил 5 апрелда Киров области Халтуринск шаҳридаги 7-сонли меҳнат тузатиш лагерида оламдан ўтади.

Атоқли жамоат арбоби, том маънодаги миллий зиёли Низомиддин Хўжаевни жисмонан маҳв этишгани билан маънавий маҳв қила олмадилар. У Фитрат ва Чўлпоннинг Низомиддин Асомийга бағишланган шеърлари орқали ҳамон халқимиз қалбида яшамоқда ва яшаяжак.

Сирожиддин АҲМАД,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби

Кумуш ЎСАРОВА

БОҒЛАРҒА РАНҒЛАРНИ ЎЛАШАДИ КЎЗ

Ёз чизгилари

Июнь

Ҳарорати ошди қуёшнинг,
Ой юзидан ювилди пардоз.
Ипак қурти учаётган пайт,
Бунча секин келаяпсан, ёз!
Даласига боққан деҳқоннинг
Манглайига ажин тушибди.
Бизда шотут тугамай туриб,
Қай ҳудудда тарвуз пишибди.
Учиб кетган варрагим излаб,
Югураман дала, қир оша.
Комбайнни кўрмаган қизга,
Буғдой ўрими ҳам томоша.
Зардолига таъм кирди бирдан,
Боғлар аро руҳим кезарди.
Илк бор совчи келганин кўриб,
Олчаларнинг юзи қизарди.
Девор оша кузатар ҳар кун,
Қўшни қизни соғинган терак.
Мураббони тугатиб тушда,
Муздай сувга чўмилар кўйлак.
Нур теккандай ҳазин юзига,
Кун кўзида уникар айвон.
Ҳаммасини бошлаб қўйиб, сўнг
Хуррак отиб ухлар саратон!

Июль

Пашшахона. Таранг тортилган,
Ғира-шира кўринади ой.
Учиб юрган тўйнинг овози,
Тун юзига беради чирой.
Ёз ёмғири шивирлар бирдан,
Сувли ҳаво. Жунжикар таним.
Саратонда ухламас қуёш,
Дарров чиқиб келар бетиним.
Уйғонгиси келмай болалик
Кўрпасини юзига ёпди.
Қолиб кетган сурувин ҳайдаб,
Подачининг ортидан чопди.
Чуғурчуқдан асраб ҳовлини,
Темир-терсак овози босди.
Етилгандан етилди узум,
Сўриларга ўзини осди.
Таранглашди ковуннинг юзи,
Пичоқ тегмай ёрилди тарвуз.
Болаларнинг дардини ювиб,
Маош олмай ишлайди ховуз.
Исиб кетар, исигандан кун,
Иссиқ-иссиқ эсади шамол.
Қайтгандайин ҳарбий хизматдан,
Асад кириб келар бемалол.

Август

Муҳим меҳмон бордайин гўё,
Далаларга дастурхон ёздинг.
Ўтгандайин жийда тагидан,
Август. Сен ҳам аҳлдан оздинг.
О, қулоққа чалинди бирдан,
Сунбуланинг майин овози.
Тиниқлашиб совиди сувлар,
Секинлашди қушлар парвози.
Аммо сенинг сафаринг охир,
Сўнг ташрифинг тугаяпти, Ёз.
Кетаяпсан, қадамлар оғир,
Янтоқгулдан қилиб пояндоз.
Ўзбекчилик қилди табиат,
Хуржунингга мевалар солди.
Ота уйга келган қиз каби,
Остонадан ўтолмай қолдинг.
Нима дердим, яхши бор, хуш бор,
Ҳали кўпдир гўзал дамимиз.
Ҳали бир кун бемалол келсанг,
Бир бафуржа суҳбатлашамиз!

Хуш келибсан, хуш яша, хуш бор!

* * *

Томирсиз кўкармас ҳеч жойда дарахт,
Қайдадир ниш отиб борар илдизим.
Тошбағир отангни, тошқалб онангни,
Қайси кўзинг билан соғиндинг, қизим.

Худди хур қизлардек туюлар ғунча
Ва ёки тунлашиб борар кундузим.
Онанг қадринг билиб, эси киргунча,
Ўзинг ҳам улғайиб қоласан, қизим.
Полапон қуш мисол ташлайсан қадам,
Тарихни муҳрлаб боради изинг.
Онангни қанчалар соғиндинг деса,
Негадир пирпираб турар ўнг кўзинг.

Гўё туғилгансан дарсликлардан,
Фақат китобларга бўлдим ёндошув.
Бир куни олима бўлмоғи керак,
Талаба онангнинг талаблари шу.

Соат милларини тўхтатиб қўйдим,
Негадир ёркинроқ порлар юлдузим.
Меҳрибон отангни, шоир онангни,
Қайси кўзинг билан соғиндинг, қизим!

* * *

Куз келди,
Хабар ол, азизим,
гулханий ҳаволар муз бўлди.
Жонимни ачитиб сочганим,
Болмиди ё тахир туз бўлди.

Кўзимдан сув келди, дув келди,
Олислаб кетганда сафаринг.
Эй менинг ўзимга яқиним,
Эй менинг ўзимга хатарим,
хабар ол!

Куз келди, азизим, ийманиб...
Бир ғариб онадай чўкди тиз.
Кўзёши юмалар сарғайиб,
У ёлғиз,
сен ёлғиз,
мен ёлғиз!

Тушимга киради кўкламлар,
Кўкламдай яшнатиб сўз келди.
Эй менинг баҳорга ошиғим,
Куз келди,
куз келди,
куз келди!

* * *

Шамол бўлдим,
чанг бўлдим,
Асаби тажанг бўлдим.
Бостириб келди ҳижрон,
Майдон бўлдим, жанг бўлдим.
Барини тинчлантириб,
Келдим де!
Чорак асрим кутишдир,
Эй кўзлари бенаво...
Биз томонда ҳаёт бор,
Биз томонда бор ҳаво,
Келдим де!

Исмингни минг хил ёзиб,
Пешонама кўчирдим.
Етмиш икки кипригим
Ният қилиб учирдим,
Келдим де!
Тил билмаган йўлларга
Бармоқ билан сўзладим.
Ай, кўзлари қисиғим,
Истараси иссиғим,
Келдим де!

Хабарингни эшитиб,
Куюк дилим қувнасин.
Кўксимдаги кийигим,
сакраб-сакраб ўйнасин,
Келдим де!
Аё, сароб гуноҳим,
Кўзёшимнинг уволи,
Ўлиб қолмасин жоним,
Ўлиб қолмасин жоним,
Келдим де!!!

Ўша пайтлар...

Ўша пайтлар
баҳормиди ё ёзмиди,
Майин-майин шамолларга
ўпка тўлган.
Бирам қийғос гуллар эди олча дарахт,
Тут емасдан оғзи бурним шира бўлган.

Ўша пайтлар,
афсун эди бари умрим,
Ҳайрат бўлиб кўринарди турфа тараф.
Ўн саккизга етиб-етмай юрган ёшда,
Севмоқ шарафмиди, севилмоқ шараф.

Ўша пайтлар
олов эди нигоҳларим,
Тоза эди нафасларим, ҳаваларим.
Ҳали парвоз этолмаган орзуларнинг
Қанотларин боғлаб қўйиб
қафаслардим.

Ўша пайтлар
баҳормиди ё ёзмиди,
Армонларга отилмаган бир ўқ эдим.
Ўша пайтлар Сен бор эдинг,
Сен бор эдинг,
Ўша пайтлар ишқ бор эди, мен йўқ эдим!

ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишлаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрида ташкил этилган Адиблар хиёбонига 2020 йил 20 май куни ташрифи давомида берилган топшириқлар ва ўтказилган 35-сонли мажлис баёнининг 21-банди ижросини таъминлаш мақсадида фавқулодда ҳолатларда инсонийлик жасорати ва фидойилик намуналарини кўрсатган замонамиз қаҳрамонлари образлари акс этган асарлар учун ижодий танлов эълон қилади.

Танлов назм, наср ва бадиий публицистика йўналишларида бўлиб, фавқулодда ҳолатларда инсонийлик жасорати ва фидойилик намуналарини кўрсатган замонамиз қаҳрамонлари, хусусан, Қуролли Кучлар ходимлари, шифокорлар, ўқитувчилар, қурувчилар, саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа соҳа вакилларининг фидойилиги ва матонати чуқур ҳаётий руҳда, юқори бадиий савияда акс эттирилиши лозим.

Танловда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан бир қаторда барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ариза билан тақдим этилади.

Тақдим этиладиган асарлар 2 нусхада (электрон варианти билан), компьютерда 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиши зарур.

Белгиланган тартиб бўйича тақдим этилмаган асарлар кўриб чиқилмайди.

Тақдим этилган асарлар муаллифларга қайтарилмайди.

Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Ғолиб деб топилган шеърий, насрий ва бадиий-публицистик асарлар муаллифлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловга ижодий ишлар **2020 йилнинг 10 ноябрига** қадар қабул қилинади ва ғолиблар жорий йилнинг 8 декабрь куни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами арафасида эълон қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони. Телефон: 71. 231-83-67.

Электрон манзил: **badiiy_adabiyot@mail.ru**

"Respublika mulk markazi"
МЧЖ "Poytaxt filiali"да
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига
таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат персоналлаштириш марказининг 2020 йил 24 августдаги 485-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 160А-уй манзилида сақланаётган "Дамас" русумли 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 /601 ОАА бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 762 700 сўм.

Аукцион савдоси **2020 йил 10 сентябрь** куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 8 сентябрь куни соат 18-00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Савдо ғолибига 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр Банк" Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй.

Телефон: (71) 237-23-91.
www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 001805.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

Фатхулла МАЪСУДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти

Дилбар ИКРОМОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ижод" жамоат фонди жамоалари уюшма аъзоси Асрор Сулаймоновга онаси

МУКАМБАР аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси жамоаси газета масъул котиби Асрор Сулаймоновга онаси

МУКАМБАР аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Ҳиго akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ, Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5030. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 4 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вакти - 21.00.
Босишга топширилди - 00.10.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-6345X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*